

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ
ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

ПРОКУРОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЙЎНАЛИШИ ТИНГЛОВЧИСИ

НИШОНОВ АБДУЛЛОҲ УБАЙДУЛЛОҲ ЎҒЛИ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ: МУАММОЛАР
ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ**

5A240122 – Прокурорлик фаолияти

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: Судларда прокурор
ваколатини таъминлаш кафедраси
катта ўқитувчиси адлия кичик
маслаҳатчиси, PhD
Д.С.Довудова**

Тошкент – 2021

МУНДАРИЖА

I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ: ЖИНОЯТ ИШИНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СУДГА ҚАДАР МУҚОБИЛ УСУЛИ.....

- 1.1. Медиация институтининг келиб чиқиш тарихий босқичлари.....
- 1.2. Медиация институти тушунчаси, моҳияти ва ярашув институти билан фарқли ва боғлиқ жиҳатлари.....

II БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНИГА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

- 2.1. Жиноят процессига медиация институтини татбиқ этиш зарурати ва амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.....
- 2.2. Медиацияга тегишли доирадаги ишлар ва ҳуқуқий тартибга солиш механизmlари.....

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....

- 3.1. Хорижий давлатларда медиация институти. АҚШ, Канада ва Европа давлатлари тажрибаси.....
- 3.2. Медиация жараёнини ташкил этиш: жиноят ишини ёки терговолди материалларни медиацияга юбориш юзасидан процессуал ҳаракатлар.....

ХУЛОСА.....

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги. Агар азалдан олдимизга қўйган улуғ мақсадларимиз, яъни ривожланган демократик ва ўз фуқаролариға фаровон турмуш шароитларини яратишга кўмаклашадиган жамият қуришга интилиш йўлида бошқа соҳалар қатори жиноят судлов ишларини юритиш соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Булар инсонларга фақат фаровон турмушнигина эмас, шу билан бирга шахс ҳуқуқларини янада муҳофаза қилишни назарда тутувчи ҳуқукий механизмни яратишни ҳам кўзлайди, десак айни ҳақиқат. Бугун шахс ҳуқуқларини янада кафолатлаш, уларни ҳар хил тажовузлардан муҳофазалаш масалалари давлат дастурлари, сиёsatнинг устувор йўналишлари даражасида ҳал этилмоқда.

Хусусий мулкчилик асосида ривожланган давлатларда ҳуқуқнинг ажралмас бўлагига айланган медиация қоидалари биз учун бегона бўлмасада, бир оз янгилик дейиш мумкин. Бир пайтлар собиқ шўролар давридаги хусусий айблов тартибида ишларини юритиш, 2001 йилдан ўзининг ижобий ютуқлари билан амалда бўлиб келаётган ярашув институти ҳам жиноий низоларни ҳам қилишда тарафлар ва одил судлов манфаатини уйғунлаштиришда етарли эмас.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, ер юзидағи ҳуқуқ билан ҳал қилинаётган барча низоларнинг 35-40 % медиация йўли билан ҳал қилинаркан, медиация тартибида ҳал қилинган низоларнинг тахминан 85% кутилган ижобий натижани берар экан¹.

Амалдаги ярашув институтининг янада ривожлантириш тенденциялари билан боғлиқ жиноят ишларини юритишда медиация мавзуси қўйидаги сабабларга кўра долзарб ҳисобланади:

Биринчидан, назарияда медиацияни Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига жорий қилиш, унинг мазмуни, таъсир доираси ва

¹Жошева А.А. Медиация как способ досудебного урегулирования споров// <http://www.sudkazybekby.kz/ru/mediatsiya-kak-sposob-dosudebnogo-uregulirovaniya-sporov.html>

кўлами ҳақида турли ёндашувлар мавжуд.

Иккинчидан, МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб ишлаб чиқилган амалдаги жиноят ва жиноят –процессуал қонунчиликнинг мулқ, мулкий низолар, вояга етмаганлар ва бошқа масалаларга хос қоидалари инсониятнинг ҳозирги ривожланганлик даражасига мос эмас. Буларга арзимас юридик ишларнинг ечимини топиш учун узоқ муддатлар кутилиши, жиноят натижасида келиб чиқсан зиёндан кўра қиймати юқори бўлган вақт ва моддият харажатини келтириб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз.

Учинчидан, Ўзбекистонда либераллаштириш сиёсати бўйича амалга оширилаётган тадбирлар устида илмий изланиш олиб бориш, фан ва амалиётнинг бир-бирига ҳамоҳанг бўлишини таъминлаш медиация институтининг ривожи билан боғлиқ бўлиб, буни ўрганиш жиноят процессуал хукуқи назариясининг муҳим вазифаларидан биридир.

Тўртинчидан, кўп олимларнинг фикрича, медиация тарихи ва келиб чиқиши мураккаб бўлишига қарамасдан, “қон даъвоси” одати кўп давлатларда у ёки бу кўринишда (италян тилида – вендетта, эски немис тилида – файда, чечен тилида – чир деб аталган ва яҳудий, юонон, рим, славян ва америкаликларда ҳам) мавжуд бўлган. Давр талаби билан бу институт (“қон даъвоси”)нинг ўрнига ярушув институти қўлланила бошлаган ва кейинчалик у хукуқ нормаси даражасига кўтарилди. Яъни, медиация институти ривожланган ғарб давлатларида сўнгти 20-30 йил ичидаги кириб келган янги институт бўлишига қарамасдан у биз учун, аслида, янгилик эмас.

Халқимиз урф-одат ва анъаналарига азалдан хос бўлган лекин маълум сабабларга кўра йўқ бўлиб кетган жиноят процессининг муҳим қисмларидан бўлган ярушув институти 2001 йилда тикланди. Биз жаҳон давлатлари орасида интеграциялашув жараёни илғор кетаётганини инобатга олиб, ярушув институтини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқиши бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, юртимизда 2001 дан бери амал қилиб келаётган ва ЖКнинг 66¹-моддасида ва ЖПК 61-бобида ўз ифодасини топган ярушув

институти суд-хуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишлари-инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш механизмини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган бўлиб, ушбу институтни ўрганиш ва уни жаҳон стандартлари даражасида амалда кенгайтириш давр талабидир.

Олтинчидан, ярашув институтининг афзаллик жиҳатлари кўп бўлишига қарамасдан, шахс “давлат томонидан кечирилган”, “ярашган” инсон сифатида эмас, балки “жиноят содир қилган” фуқаро сифатида қаралади. Бир институт жиноят процессида қўлланилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол бўлиши каби оқибатга олиб келар экан, демак у, бизнинг фикримизча, тадқиқот субъекти бўлиши керак.

Жиноятларни олдини олиш ва жиноят содир этганларни жазолаш вазифасини давлат ўз зиммасига олди. Аммо жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш масаласи мураккаб жараёнлигича қолиб кетди.

1492 йилда Жон Лок шундай деган эди: “Давлат ва жамият истиқболли бўлиши учун унга адолатни ўрнатишда ёрдам берадиган механизм (суд) керак бироқ жазолаш ва жиноятларни олдини олиш масаласини марказлашган куч орқали ҳал этиш шарт эмас...”

Дунёнинг жиноят процессуал ҳуқуқ тизимлари XXI асрга кириб борар экан, улар ҳали ҳам ечими топилмаган баъзи муаммолар билан курашишда давом этмоқдалар. Жабрланувчилар етказилган зарарни қоплашнинг мукаммалроқ вариантларини талаб қилмоқдалар ва қарши томондагилар эса жазо тизимининг жуда ҳам қаттиқ эканидан шикоят қилмоқда. Бугунги кунда Жиноятчиларни реабилитация қилиш ва жиноятчиликни олдини олиш бутун дунё ҳалқлари олдида турган долзарб масала ҳисобланади. Мазкур масалани ҳал этиш суд залида чиқарилаётган ҳукмнинг асосий ҳуқуқи ҳисобланади ва одил суднинг асосий мақсади ҳисобланади. Ҳукм бошқа фуқароларни жиноят содир этишдан ўзини тийишга таъсир этиши лозим. Ҳукм чиқаришдан мақсад нафақат жиноятчини жазолаш балки ушбу жазони тайинлаш орқали жамиятда жиноятчиликни камайтириш ҳамда одил судловни таъминлашдир. Афсуски,

кутилган натижа ҳар доим ҳам қўлга киритилгани йўқ.

Жиноятдан жабрланганларнинг ҳақиқатни ўрнатишда, яъни тергов ва суд жараёнида хуқуқий ролини оширишимиз керак. Чунки, жиноят индивидуал шахсга эмас, давлатга қарши содир этилган деб тушунияпти ва давлат даъвогар бўлиб чиқяпти, бу тўғри эмас. Зоро, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексини кўриб чиқадиган бўлсак, инсонга қарши содир этилган жиноятлар билан давлат манфаатларига қарши содир этилган жиноятлар ажратиб кўрсатиб кўйилган. Муддао шуки, суд залида чиқариладиган ҳукмдан жабрланувчи манфаатдор бўлиши керак. Ҳукмдан сўнг жиноят содир этган шахс жабрланувчининг “қўли етмайдиган” даражада узоқлашиб кетиб қолиши тўғри эмас. Бузилган ҳуқуқнинг тикланиши ва етказилган заарнинг қопланиши учун жабрланувчига енгиллик берадиган механизм яратишимиз лозим.

Жиноят хуқуқий тизимлар юз келаётган яна бир муаммолардан бири шуки, ўрнатилган қатъий жазо тизими масаланинг ечими эмаслиги қўзга ташланиб қолди. Агарда қатъий жазо тизими самарали бўлганда эди, Россия, Америка, Хитой каби жазо тизими қаттиқ ва ривожланган давлатларда жиноятчилик камайган, балки, йўқ бўлиб кетган бўлар эди.

Юқоридаги ҳолатлар медиация институтини дастлабки терговда, тергов жараёнида ва суд муҳокамасида қўллашни янада кучайтириш, ушбу институтни амалда татбиқ этиш билан боғлиқ муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этишни тақозо этади.

Тадқиқот обьекти. Тадқиқот обьекти медиация институтини назарий ўрганиб таҳлил қилиш, ривожланишини ва такомиллашувини ўрганиш, Ўзбекистонда медиация институтини қўллаш истиқболлари, Жиноят процессуал қонунига медиация институтини татбиқ этиш механизми, шунингдек, амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қисқа қилиб айтганда Ўзбекистон Республикасида жиноят процессида медиация институтини жорий қилиш билан боғлиқ ижтимоий-хуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот предметини ЖК ва ЖПКдаги хусусий айловга оид, ярашувни назарда тутувчи ва медиация институтига мос келадиган нормаларни халқаро ҳуқуқ ҳамда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунлари билан қиёсий ўрганиш, шу мавзуга оид олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш, шунингдек дастлабки тергов ва суд амалиётида шахсларни медиация институти орқали келишувга олиб келиш ҳолатлари юзасидан фикрларни таҳлилини амалга ошириш ҳамда шулар асосида илмий-амалий қоидаларни ишлаб чиқиш ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар, суд-тергов амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқотнинг мақсади жиноят ва жиноят процессуал қонунларини либераллаштириш жараёнида медиация институтини такомиллаштиришга нисбатан илмий ёндашув олиб бориш, илмий асосланган ва инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган жиноят процессуал қонунчилигини ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий шароитларни вужудга келтиришга қаратилган илмий тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқиш, шунингдек жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифада иш юритиш тартибини белгиловчи қонун нормаларини янада мукаммал бўлишига эришиш ва жиноят процессуал қонунига медиация институтини татбиқ этиш бўйича таклиф, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборатdir.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- медиация институтининг моҳиятини ўрганиш ва жиноят процессининг бошқа институтлари орасида унинг ўрнини белгилаш;
- медиация институтининг тарихий, ҳуқуқий ва маданий жиҳатдан бизнинг урф-одат ва анъаналаримизга мос эканлигини асослаб бериш;
- медиация институтининг таркибий қисмларига таъриф бериш;
- медиация институтининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритиш;

- хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда қиёсий таҳлил қилиш;
- танқидий фикрлаш орқали медиация институтининг афзаллик ва ноафзаллик жиҳатларини ўрганиб чиқиш ва уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ярашув, хусусий айблов ва медиация институтларининг ўзаро ҳуқуқий таъсирини ўрганиб, тегишли қонун нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;
- медиация институтини бизнинг қонунчиликда жорий қилиш юзасидан илмий хulosалар ишлаб чиқишидир.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. “Медиация институти” деган термин жиноят процессуал ҳуқуқида кўзга ташланмасада, медиациянинг қайсиdir кўриниши, ёки бир парчаси сифатида ярашув институти амалда самарали қўлланилиб келинмоқда. **Хозирга қадар жиноий низоларни ҳал этишнинг самарали усули сифатида жаҳонда медиация биринчи ўринда турибди. Бизда эса ярашув институти бу вазифани бажаряпти.** Ушбу институтни ўрганган олимлар орасида Г.А.Абдумажидов², Э.Х.Нарбутаев³, Б.А.Миренский⁴, Д.Камалоджаев⁵, Е.Никифорова⁶ ва С.М.Саҳадинов⁷ни айтиб ўтиш мумкин. Т.Одилқориев ва И.Тултейев⁸ жиноий низоларни ҳал этишнинг алтернатив усулларидан фойдаланиш бизнинг менталитетимизга

²Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиши. (Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор Ф. Абдумажидов). Т.: ТДЮИ, 2003.б-78.

³Нарбутаев Е.Х. Развитие процессуалной науки в условия либерализации уголовной политики// Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: республика илмий-назарий конференцияси материаллари (2002 йил 14 ноябр). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2003.-б.156-158

⁴Ўзбекистон Республикаси Жиноят процесси: дарслик/ Б.А.Миренский, А.Х.Рамобулов, Ж.Камалоджаев, В.В. Қодирова. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2004.-б.507-510

⁵Камалоджаев Д. Понятие и сущность примирительной форми разбирательства уголовно дел// Ж. Ҳукуқ-Право-Law, 2001, №4.-б.56-59.

⁶Никифорова Е.Н. Диспозитивное начала в уголовном процессе Республики Узбекистан// Ж. Ҳукуқ-Право-Law, 2002, №1.-б.65.; Никифорова Е.Н. Роль адвоката в производстве по делам о примирении. // Ж. Адвокат. 2002. №1.-б.39-40.

⁷Саҳадинов С.М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. номзоди..... диссертацияси// Т. 2005. ТДЮИ.

⁸Қаранг: Одилқориев .Т., Тултиев И.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар// Ж. Ҳукуқ-право-Law, 2002, №1.-б.9-10.

хос нарса эканини айтиб ўтишади.

Юридик адабиётларни ўқиб ўрганиш жараёнида шу нарсага гувоҳ бўламизки, ярашув институти билан медиация институтининг орасида илмий иш олиб бориш нуқтаи назаридан жиддий даражада фарқ бор ва бу соҳа ҳали деярли ўрганилмаган десак, муболаға бўлмайди.

Ислом ҳуқуқи амалиётига разм соладиган бўлсак, Mc Convilles ва M.Jerushalmining илмий асарлари орасида медиацияга бағишиланган илмий рисолаларни топиш мумкин. Шариат қоидаларига кўра, жабрланувчи ҳуқуқбузардан бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида ва етказилган зарарни қоплаш мақсадида хун пули жорий этилиши лозим деган фикрни билдирганлар.⁹

Бизнинг фикримизча, бу қоида ҳуқуқбузарга оғирроқ жазо беришнинг ўрнига, енгилроқ жазо сифатида қўлланилади ҳамда ундан жазо енгиллаштирилиши эвазига масъулиятни кўпроқ ҳис қилиши талаб этилади.

Бундан ташқари, Jo Goodey (Европа табиий ҳуқуқлар агентлиги директори), Gosta Westerlund (Швецияда ҳуқуқ профессори), Don John otene Omale (юридик фанлари доктори, Монтфорт университети, Англия), Judy Mc-Can Beranger (юридик фанлари доктори, Канада), Derek Brookes (Шотландияда жиноий низоларни алтернатив усулда тиклаш бўйича консультант), Ian Macdonough (Сакро жиноий-ҳуқуқий медиация хизмати, Буюк Британия), Trevor Buck (ҳуқуқ магистри, АҚШ), Barrington Chevannes (Ямайка университетида ҳуқуқ профессори), Hiram E.Chodosh (ҳуқуқ профессори, Хиндистон) каби олимлар медиация бўйича иш олиб борган.¹⁰

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. методологик асоси. Диссертация илмий ўрганишнинг тарихий, мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли, таҳлилий, синтез, мантиқий-ҳуқуқий, қиёсий таҳлил, статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

⁹Lippman M., Mc. Convilles and Jerushalmi M. Islamic criminal law and procedure: An Introduction. N.Y. : Greenwood press, 1988, XV.170p.

¹⁰Mediation.org/internationallevel/learning from the professionals

Илмий ишнинг методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари, суд-хуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш даврида жиноий жазоларни либераллаштириш, инсонларни хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва жабрланувчига инсонпарвар ғоялар нуқтаи назаридан қараш тўғрисидаги ғоялар, шунингдек умумий хуқуқ назарияси ва фалсафанинг фундаментал илмий услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинадиган хулоса ва таклифлар, илгари сурилган илмий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал ҳуқуқи назариясини янада бойитади ва улардан тергов амалиётида, судларда, ўз-ўзини бошқариш органларида, шунингдек мазкур соҳага оид илмий тадқиқотларни ўтказишда ҳуқуқшуносларни тайёрловчи олий ўкув юртларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация иши медиация институтини ўрганишда ва уни жиноят процессуал қонунчиликда қўллаш юзасидан олиб борилган биринчи тадқиқот иши ҳисобланади. Унда жабрланувчининг мақомига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг жиноят процессида ўрни ва ролини ошириш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилган. Медиация институти жиноят ва жиноят процессуал кодексларига асосланиб ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Диссертацияда хорижий мамлакатларда медиацияни қўллаш бўйича кенг материаллар мавжуд бўлиб, уларни таҳлил қилиш натижасида муаллиф жиноят жараёнида медиациянинг иккита модели мавжуд деган хulosага келади: Англо-Саксон ва Континентал. Диссертация тадқиқотлари натижалари Ўзбекистон жиноий одил судловини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот жиноят процессида медиация тушунчасини, хорижий амалиёт томонидан ишлаб чиқилган жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун медиация моделларини батафсил ўрганишга асосланган.

Тадқиқотда Ўзбекистон жиноят процессида медиациянинг мумкин бўлган ўрни, ушбу процедурани Ўзбекистон қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тартибга солиш акс эттирилган. Медиация тушунчаси маълум бир жиноят ишини медиация учун юборишга имкон берадиган мезонларни, шунингдек медиатор мақомини белгилайди. Ушбу диссертацияни ишлаб чиқсан ҳолда, муаллиф Ўзбекистоннинг жиной жараёнига воситачилик тартибини босқичма-босқич жорий этишни таклиф қиласди.

Ҳимояга қўйидаги қоидалар тақдим этилади:

Ушбу тадқиқот доирасида жиноят процессида медиация процедураси билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Диссертация тадқиқотининг асосий мақсади медиация процедуранарини Ўзбекистон жиноят процессида жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун медиация воситаларини қўллашнинг потенциал имкониятларини аниқлаш, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда медиация жиноят процессуал ҳуқуқида медиация тушунчасини яратишдан иборат бўлди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун муаллиф Ўзбекистон учун ҳам, кўплаб хорижий мамлакатлар учун ҳам жиноий жараённи ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини аниқлади ва ўрганиб чиқди, қайта тикланадиган адолат концепциясининг мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва механизмларини таҳлил қилди, низоларни муқобил равишда ҳал қилиш усули сифатида медиация тартибини ўрганиб чиқди, жиноят-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда медиация хусусиятларини кўриб чиқди, жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун медиациянинг анъанавий жиноят процесси институтлари билан алоқаси, Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш имконияти, хорижий давлатлардаги жиноят-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун медиациядан фойдаланиш қонунчилиги ва амалиёти ўрганилди.

Жиноят процессида медиация масалаларини ўрганиш жараёнида олинган асосий хулосалар қўйидагилар.

Муаллиф жиноят процессида медиацияни (жиноий ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун) мустақил ва холис учинчи шахс - медиатор - қонунбузарлик содир этган шахс ва жабрланувчи ўртасидаги жиноий-ҳуқуқий низони ҳал қилишда иштирок этадиган процедура сифатида белгилашни таклиф қиласди. Бунда медиатор томонларни яраштириш ва ноқонуний хатти-харакат туфайли етказилган зарарни қоплаш масалаларида, шунингдек жиноятни ҳал қилишда юзага келиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича ихтиёрий равишда келишувга эришишига қўмаклашувчи шахс сифатида қарайди

Медиация пайдо бўлиши ва уни ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида амалга оширишнинг турли хил шарт-шароитлари туфайли муаллиф воситачиликнинг иккита моделини аниқлади:

1) Англ-саксон модели, бунда медиация тикловчи адолат назариясининг намоёнидир, яъни. жиноий-ҳуқуқий низони ҳал қилишнинг коммунал усули сифатида қаралади ва шунинг учун, қоида тариқасида, аниқ қонунчилик регламентида белгиланмайди. Ушбу модель вакиллари Буюк Британия, АҚШ, Канада, Янги Зеландия ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.

2) Континентал модель. Бунда медиация қоида тариқасида, қонунчиликда мустаҳкамланган ва жиноий низоларни ҳал қилишни мумкин бўлган альтернативаларидан бирини ўзида мужассам этган процессуал муассаса бўлган континентал модель. Ушбу давлатлар гуруҳига Франция, Германия, Португалия, Австрия, Норвегия ва бошқалар киради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон қонунчилигига қўйидаги ўзгаришларни киритиш таклиф этилади:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини судгача ва суд босқичларида медиациядан фойдаланишга имкон берадиган қоидалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Судгача бўлган босқичдаги медиация жабрланувчи билан айборнинг ярашиш муносабати билан жиноят ишини тугатиш учун асос бўлиши мумкин (қонунда белгиланган тартибда жиноят ишининг тугатилишига йўл қўйилган ҳолларда). Бундан ташқари, агар иш кўзда тутилган асослар бўйича тугатилиши мумкин бўлмаса, судгача бўлган

медиация суд томонидан келишув битимига эришиш муносабати билан қарор қабул қилишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

Кейинчалик, ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга жиноий иш қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин жиноий-хуқуқий низо томонлари муросага келишганида, жиноий иш қўзғатишни рад этиш хуқуқини бериш орқали воситачилик кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Аввало, бундай чора биринчи навбатда вояга этмаганлар ўртасида жиноятлар доирасида қўлланилиши лозим.

Бундан ташқари қонун билан ишни медиация процедурасига юбориш жараёнини тартибга солиши ва медиациядан фойдаланишнинг хуқуқий оқибатларини, томонлар муросага келишган тақдирда ҳам, келишувга эришилмаган тақдирда ҳам белгилаши керак.

Ўзбекистон жиноят процессида медиация процедурасини жорий қилишда ҳар бир аниқ ҳолатда уни қўллаш имконияти мезонларини аниqlаш керак.

Биринчидан, медиация ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни қамраб олиши айрим ҳолларда (мулкка қарши жиноятлар, шунингдек, оғирлаштирувчи ҳолатларсиз зўрлаш ёки жинсий тажовуз) оғир жиноятлар тоифасини ҳам қамраб олиши.

Иккинчидан, медиация жисмоний шахс жабрланувчи бўлгандагина қўлланиши.

Учинчидан, томонлар медиация процедурасида иштирок этишга ўзларининг ихтиёрий розиликларини билдиришлари лозимлиги.

Медиациядан фойдаланиш масаласи процессни олиб борувчи мансабдорнинг иродасига боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Медиациядан фойдаланиш томонларнинг хуқуқи бўлиши керак, агар улар уни ўтказиш учун асос ва шартлар мавжуд бўлса, ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигига мутлақо янги бўлмаган жиноят процессида медиация процедураси босқичма-босқич киритилиши мумкин. Медиация

процедурасини Ўзбекистон жиноят процессиға киритиш учун кадрлар ва моддий ресурсларга эга бўлган алоҳида ҳудудларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида амалиётига босқичма-босқич жорий этишни назарда тутадиган дастурни ишлаб чиқиш зарур. Дастрлабки босқичда вояга этмаган жиноятчилар билан боғлиқ бўлган жиноий низоларни ҳал қилиш учун воситачиликдан фойдаланиш керак. Кейинчалик, ушбу амалиёт катталар томонидан содир этилган жиноятлар учун ҳам қўлланилиши мумкин. Дастрлаб, медиация жараёнини жиноят иши қўзғатилгандан кейин қўлланилиши мумкинлигини илгари сурэмиз, кейинчалик медиацияни жиноят иши қўзғатилишидан олдин қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Медиация процедурасини Ўзбекистон жиноят процессуал қонунчилигига киритишда халқаро стандартлар ва воситачилик процедуралари инобатга олиниши керак, улар орасида бошқалар қаторида қуидагилар ҳам қайд этилиши мумкин: 1) медиациядан фойдаланишга фақат томонларнинг ихтиёрий розилиги; 2) томонлар исталган вақтда медиация процедурасида қатнашишдан бош тортиши мумкинлиги; 3) медиация процедурасида иштирок этиш айбни тан олиш деб ҳисобланиши мумкин эмаслиги; 4) медиация процедурасида иштирок этиш учун томонлар ишнинг асосий ҳолатлари билан келишишлари шартлиги; 5) медиация процедураси натижасида эришилган келишувлар фақат оқилона шартларни ўз ичига олиши мумкин; 6) медиация жараёнида барча зарур ҳуқуқий кафолатлар берилиши кераклиги; 7) воситачилик процедураси махфийлиги.

Маълумки, ЖКнинг 66¹-моддаси иккинчи қисмида оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлиқдан озод қилинмайди, деб кўрсатилган. Фикримизча, қонундаги бу тақиқ бекор қилиниши лозим. ЖКнинг 72-моддаси тартибида шартли ҳукм қилинганлар, шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми даврида ЖКнинг 66¹-моддаси таъсир доирасига тушувчи жиноятларни содир этган шахсларга

ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинланмасдан, ишни ярашув ёки медиация билан тугатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Амалдаги қонунчилигимизда ярашув институтини қўллаш имконияти ҳозирча факат биринчи инстанция судига берилган. Уни қўллашни суднинг апелляция, кассация ва назорат босқичларида ҳам жорий этилмаган. Чунки амалиётда шундай ҳолатлар юзага келмоқдаки, биринчи инстанция судида ярашув институти таъсир доирасига тушувчи жиноят ишини кўриб, суд жабрланувчи ярашмаганлиги муносабати билан судланувчига нисбатан айблов ҳукми чиқаради. Аммо маълум муддат ўтгач, жабрланувчида судланувчи билан ярашиш истаги пайдо бўлган тақдирда ҳам суд ярашув институтини қўллай олмайди. Бундай ҳолатлар ярашувнинг имкониятларини маълум маънода чеклайди. Имкониятлари чекланган институтнинг имкониятларини медиация институти орқали имкониятларини кенгайтиришимиз лозим деб ҳисоблаймиз.

Кўринадики, ушбу тадқиқот давомида олинган маълумотлар назарий ва амалий аҳамиятга эга. Диссертация тадқиқотида амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тўплами ишлаб чиқилган бўлиб, улар тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси ва чет эл қонунчилигининг илмий тадқиқотларида, шунингдек, таълим фаолиятида, маъruzалар ва маҳсус курсларни ўқитишида фойдаланилиши мумкин.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Илмий ишнинг таркиби унинг олдига қўйилган мақсадлар билан ҳамоҳангликда ишлаб чиқилган бўлиб, муаммоларнинг моҳияти ва тавсифи билан белгиланади ва кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Хулоса қисмда илмий изланиш натижалари, янгиликка асосланган илмий хулосалар ва тавсиялар акс эттирилган. **Ишнинг асосий ҳажми 79 бет.**

1. Боб. Жиноят процессида медиация институти: жиноят ишини ҳал қилишнинг судга қадар муқобил усули

1. Медиация институтининг келиб чиқиш тарихий босқичлари.

Медиация институтининг пайдо бўлиши ва тарихи қариндош уруғлар орасида вужудга келган жиноий келишмовчиликларни тинч йўл билан, ўзаро ҳал этишга қаратилган ижтимоий муносабатларга бориб тақалади. Қадимги даврларда қариндош уруғлар, қабилалар орасидаги келишмовчиликлар нафакат тинч келишув йўли билан балки қон тўкиш йўли билан ҳам ҳал этилган. Бу ишларни ҳал қилишда давлатнинг аралашуви кескин усулда қон тўкиш орқали ҳал қилинадиган қасос ва ўч олишлар камайишига сабаб бўлди.

Адолат тимсоли ўлароқ давлат номидан суднинг чиқарган қарори бутун дунё ҳалқлари томонидан қабул қилинди.¹¹

XX аср ўрталарига келиб жамият ва давлатнинг ривожланиши натижасида виктимология вужудга келди ва ушбу фан соҳаси жабрланувчининг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ўрганишни бошлади. Виктимология жабрланувчига етказилган заарни қоплаш назариясини илгари сурди ва бу кўп давлатлар томонидан ҳалқаро миқёсда қабул қилинди. Адолат тушунчасига бошқача ёндашила бошланди, унга кўра жабрланувчи шахс жиноятчидан судга қадар ёки суд жараёнида етказилган заар учун компенсация пули олиши даркор, агар бунинг иложи бўлмаса жабрланувчи тўлов пулинни давлатдан олади. Жабрланувчининг барча талаблари ҳисобга олиниши ва тўғридан-тўғри қондирилиши, бузилган инсон ҳуқуқларини тиклашнинг мутлақ усули сифатида қабул қилинди.¹²

¹¹Рахмонова С.М., Возможности Упразднения института возвращения дела судом на дополнительное расследование, Автореферат/// проф. Ф.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.:, ТДЮИ, 2007.-46.

¹²Univerxity of Gothenburg, School of Business Economics and Law, Victim-Offender Mediation in Sweden and South Africa, Frida Eriksson, Gothenburg, 2003, pp.5-10

Тарихчиларнинг таъкидлашларича қадимги греклар ва римлик савдогарлар ўртасидаги турли муносабатлар воситачилар ёрдамида тартибга солиб турилган. Қадимги Рим ҳуқуқида яъни, Юстиниан қонунларида низоларни ҳал этувчи воситачилар турлича номланиб келган, улар сирасига *internuncius*, *medium*, *intercessor*, *philantropus*, *interpolator*, *conciliator* ва ниҳоят медиаторни киритишимиз мумкин. Баъзи қадимги қабилалар ўзаро келишмовчиликларни қабила кексалари ёки бошлиқларининг қарори билан ҳал этганлар.

Жиноят процессида эса медиация институти “*Restorative justice*” сифатида ва унинг давомидан *victim-offender mediation* (унинг бир исми) XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган ва олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ҳамда унинг асоси, мазмун-моҳиятини жиноят процессуал қонунчилигига ўз аксини топа бошлаган. Дастрраб медиация институтининг тарафдорлари кўп бўлмаган бўлсада, бироқ кейинчалик уларнинг сони кўпайиб борган ва ривожланган давлатлар бу институтни қабул қила бошлаган.¹³

1970 йилларнинг ўрталарига келиб *victim-offender mediation reconciliation program* (“*VORP*”) (ярашув) институти Америка Кўшма Штатларининг Китченер программаси номи билан, Онタрио штатида вужудга келди (1974 йил).¹⁴ 1970-80 йиллар орасида тажриба сифатида ўтказиб кўрилди ва ижобий натижалар бера бошлади. 1980-90 йиллар орасида ушбу институтни жиноят процессуал ҳуқуки фани тан олди ва ўзида акс эттира бошлади. Бугунги кунда бутун дунё аҳолиси бу институт ҳақида била бошлади ва у кенг миқёсда ўз ўрнини топиб бормоқда. Ҳозирда мазкур институт жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги келишмовчиликни ҳал этишнинг бошқа бир варианти сифатида юзага чиқди. Европада Англия ва Шимолий Америкада АҚШ биринчилардан бўлиб бу институтни қўллай бошлади.

¹³University of Pretoria, *The role of the Victim in the Criminal Justice System: A Specific Focus on Victim-Offender Mediation and victim Impact Statements* by Kate Lynn De Klerk, 2012, p.35.

¹⁴Tony F. Marshall, *Results of Research from British Experiments in Restorative Justice*, in CRIMINAL JUSTICE, RESTITUTION, AND RECONCILIATION 96-100 (Burt Galaway & Joe Hudson eds., 1990).

Биз учун эса медиация институти бутунлай ёт тушунча эмас, балки у турли шаклларда узок йиллардан бўён халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб келмоқда.

Фикримизча, медиация институти вужудга келиши, қарор топиши ва ривожланиш тарихини даврийлаштириш бир неча босқични ўз ичига олади.

Биз шартли равишда бу жараёнларни қуйидаги босқичларга бўлишимиз мумкин:

Биринчи босқич - Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида VII асрдан XX асрнинг 20 – йилларигача, яъни, 1920 йилга қадар қарийб XV асрлик йўлни босиб ўтган медиация тарихи ислом қонунлари ва шариат қоидалари билан чамбарчас боғлиқ.

Чунки, бу даврда жуда кўп халқларнинг анъанавий-хуқуқий ва маънавий хулқ-атвор нормалари асрлар мобайнида ислом дини, унинг хуқуқий тизими шариат қоидалари билан узвий боғлиқ бўлиб келган.

Иккинчи босқич - 1920 йилдан 1990 йилгача бўлган 70 йиллик даврни ўз ичига олган собиқ совет ҳокимияти йилларида медиация тарихи совет қонунлари, хуқуқ ва меъёрий хужжатлари ҳамда маҳаллий урф - одат меъёрлари билан боғлиқ.

Учинчи босқич - 1991 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида медиация тарихи мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда амалдаги қонун хужжатлари билан боғлиқ.

Дастлаб, биринчи босқич ҳақида.

Миллионлаб кишиларнинг ижтимоий-хуқуқий, оммавий-маиший ва ҳатто, шахсий ҳаёти ислом ва унинг хуқуқи таъсирида ривожланиб келган.

Шу билан бир қаторда ислом қонунлари бугун биз “медиация” деб номлаётган тарафларнинг хуқуқ бузилиши оқибатида келиб чиқсан низоларни ҳал этишдаги яраштириш, содир этилган жиноят ва қилинган гуноҳларнинг жазоларини енгиллаштиришдаги кечиримлилик, давлат ишларида эса бағрикенгликка асосланган воситачилик тартиб - тамойилларига мустаҳкам

асос яратган.

Бугунги медиация усули ҳам мазмун - моҳияти билан худди ана шу бузилмас асосга таянади.

Марказий Осиёда ислом динининг тадрижий ривожланиши таъсирида ислом ақидалари маҳаллий халқ анъаналари ва урф-одатлари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Турли тарздаги ўзаро низолар эса худди ана шу бир – бири билан боғлиқ тартиб-тамойиллар асосида ҳал этиб келинган. Бошқача айтганда, ислом маънавий ва маданий тараққиётга, давлатчиликни мустаҳкамлашга, сайёрамизда яшаб келаётган улкан омманинг тафаккури ривожига таъсир кўрсатиб келаётган мустаҳкам тизимдир.

Ўзбекистонда ноанъанавий тартибда турли номлар ва атамаларда қўлланилиб келинган тарихий медиация усули – ахлоқ қоидалари, урф-одатлар ва умуман олганда, ислом дини қонун-қоидалари билан узвий боғланиб кетган.

Чунки, таниқли шарқшунос олим, А.Массэ ислом хуқуқида одат расм-руsum масалалари ҳуқуқ нормалари билан муштарак эканлигини таъкидлайди.¹⁵

Низоларни ҳал этишда ислом қонунларини ўхшашлиги бўйича қўллаш, қиёслаш, таққослаш, солиштириш ва мушоҳада қилиш усули Абу Ханифа (р.а) томонидан кенг фойдаланилган усуллардан бири бўлган.

Абу Ханифа (р.а) “муайян масала юзасидан барча томонларнинг яқдил фикри, яъни бирлашиш, иттифоқ бўлиш, келишиш, азму-қарор қилиш, муҳокама этиладиган масала юзасидан тарафларнинг қатъий бир фикрга келишуви”ни тарафдори бўлган, яъни ҳозирги тил билан айтганда медиацияни қўллаган.¹⁶

Абу Ханифа “томонларни бир қарорга келиштиришда арабча “ижтиҳод”

¹⁵<http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History/Messe>

¹⁶<http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History>; Restorative Justice in the Twenty First century and in the History: A Social Movement Full of Opportunities and Pitfalls by Mark S. Umbreit, University of Minnesota, 2002, p.268.

қилиш – яъни ғайрат қилиш, интилиш, барча билимлар ва тоқатни ишга солиш” зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Чунки, бу меъёр ўша давр ва ҳозирги медиациянинг асосий таянчларидан биридир.

Буюк аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»сида жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганлигига оид муносабатлар тўғрисидаги қоидалар қадимдан мавжуд.¹⁷

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз тузукларида “халқнинг эмин-эркин турмуш-тарзини таъминлаш учун айрим давлатлар билан қарашларда тафовут бўлса-да, тинчликпарварлик сиёсати асосида муроса билан мулоқот қилган”лиги, хатлар алмашиб, элчилар юбориб турганлиги баён этилган.

Жаҳон давлатчилиги ва хуқуқ тарихида ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудида қарийб уч асрдан ортиқ хукмронлик қилган Бобурийлар салтанати бу заминда турли динлар – мусулмонлар, ҳиндулар, жайнлар ва бошқа диний оқимлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериб, уларни яқинлаштириш мақсадида ислом қонунларига асосланган “Тавҳиди илоҳий”, яъни муросаи мадора усулини жорий этди.

Бу усул тараққиёт даражаси, сиёсий, хуқукий, диний қарашлари турлича бўлган халқларни ягона давлатга бирлаштириш, жипслаштириш ва муросага келтиришдек ўта мураккаб вазифанинг ечимини топа олганлиги билан жаҳон хуқуқи тарихида ўчмас из қолдирди.

Иккинчи босқич.

Медиациянинг бу босқичи 1920 йилдан 1990 йилга қадар бўлган 70 йиллик даврни ўз ичига олади. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, қабул қилинган барча қонун ва қарорлар, аввало, социалистик мулк ва давлат манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқилган.

Бироқ, хуқуқ бузилиши содир этилиши билан боғлиқ низоларни ҳал этишда “Оқсоқоллар”, “Маҳалла фаоллари”, “Хурматли, кекса ва обрўли шахслар” кўринишидаги вакиллик, яъни медиация усули фаолият кўрсатиб

¹⁷Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма / проф. Ф.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.:, ТДЮИ, 2005.-141б.

келган.

Бу даврда “медиация” ҳақида аниқ бир қонун бўлмаса-да, тарафлар ўртасидаги муаммо ва низолар суддан ташқари ва судга қадар ўша давр қонун – қоидалари, тартиб - тамойиллари ва азалий урф - одат меъёrlарига таянган ҳолда ҳал этиб келинган.

Учинчи босқич – 1991 йилдан бошланиб ҳозирга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Таъкидлаш керакки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган либераллаштириш сиёсати ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантиришга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётир.¹⁸ Жамиятда ўзаро ишонч, тотувлик,adolatпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат муҳитини мустахкамлаётир. Айни пайтда минглаб одамлар тақдирида ижобий мазмун касб этиб, уларнинг жамиятдан, оиласдан ажralмаган ҳолда ахлоқан тузалишига имкон беряпти.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсонпарварлик ва адолат тамойилларига батамом мос келадиган ярашув медиация институти миллий қадриятларимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жиноят содир этган шахс жабрдийдага товон тўлагани учун жабр кўрган тараф уни кечириб, айбдорни жазодан озод қилишни талаб қилишга ҳақли бўлган.

Европа Уйи координатори Пьер-Пол Антуиссенснинг айтишича, Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, чуқур маъно-мазмун касб этаётир. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Эътиборлиси, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёrlари, илгор анъаналари миintaқада биринчилардан бўлиб қонунчиликка, амалиётга татбиқ этилиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги илгор тажрибасидан бошқа давлатлар ўrnak олса арзийди.

¹⁸Исломов Б.О., Жиноят процессининг айрим принциплари. Рисола.-Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007, 6-б.

Медиация институти жамиятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф қилиш имконини беради. Қолаверса, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган мазкур самарали хуқуқий институт ортиқча суд-тергов харакатлари ва у билан боғлиқ харажатларга барҳам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштириш сари кенг йўллар очади.

2. Медиация институти тушунчаси, моҳияти, ярашув институти билан фарқли ва боғлиқ жиҳатлари.

Мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш, уни изчили демократлаштириш ва либераллаштириш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Айтиш мумкинки, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-хуқуқ, тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш хуқуқий давлатни шакллантириш юртимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли изчили ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий жиноятлар учун етказилган зарар қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ўрнига жарима ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари тарзидағи жазоларни қўллаш имкониятлари кенгайтирилди. Судлов ишларини юритиш тизимида адолат, жазонинг муқаррарлиги ва демократик тамойиллар мустаҳкамланишини таъминловчи бошқа қатор – тадбирлар амалга оширилди.

Аёллар ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг учдан икки қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди. Шу билан бирга, жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш тартиби чиқариб ташланди. Бу эса жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, мазкур янгилик хусусий мулк дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидага тўлиқ мос келади. Конституциямизда инсонпарварлик тамойиллари етакчилик қилиши ҳеч кимга сир эмас. У асосида қабул қилинаётган қонун хужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятида ушбу тамойил устувор эканлиги кўзга яққол ташланиб туради.

Асосий қонунимиздаги инсонпарварлик тамойилига мос суд-хуқуқ тизими ислоҳотларидан яна бири, шубҳасиз, суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилишидир. Бу янгилик миллий урф-одатларимиз ва умуминсоний қадриятларга мослиги билан ҳам эътиборга молик. Унга қўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказган заарни қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳалқимизга хос бағрикенглик, олийжаноблик, йиқилганни суюш ёхуд адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби қадриятларни ўзида мужассам этган ярашув институтининг амалиётга жорий этилиши жамиятимиз ҳаётида ўта муҳим воқеа бўлди. Чунки ушбу институт замирида айбдорни муқаррар жазога тортиш эмас, балки унга қилмишидан тегишли хulosачиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун имкон бериш каби инсонпарварлик тамойили мужассам.¹⁹

Ярашув институтини жиноят қонунчилиги орқали жорий қилинишини тақозо қиладиган ҳолатлардан бири сифатида жиноий низоларни тарафлар хоҳиш иродасини имкон қадар инобатга олган ҳолда ҳал қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят процессуал қонунчиликда тарафлар манфаатларини тўлиқ инобатга олган ҳолда жиноят ишини ҳал қилиш усули фақат ярашув тўғрисидаги ишларни юритишидир.

Бироқ жаҳон амалиёти ҳуқуқ тизимида ярашувга ўхшаш, унинг айрим элементларини такрорлаган ҳуқуқ институтлари ёки иш юритиш тартиблари мавжуд. Буларга хусусий айлов тартибида ишларни юритиш, айбига иқрорлик битими, баённома тартибида иш юритиш, медиация ва бошқаларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Буларнинг деярли ҳаммасини инсониятга хос, жамиятга фойдали ҳуқуқий қоидалар дейиш мумкин.

Бизнинг ҳуқуқ фанимиз учун унча яқин бўлмаган бироқ ривожланган хорижий мамлакатлар ҳуқуқининг таркибий қисмига айланиб кетган

¹⁹Бердиев Шоназар Б. “Ярашув институти - унга оид қонун нормаларини қўллаш муаммолари”// Huquq va burch, 2012, №5. Веб манзил: www.huquqburch.uz (2013 йил 15 ноябрь ҳолатига)

“медиация” категорияси ўзининг кўп қирралилиги, долзарблиги билан алоҳида ажralиб туради.

“Mediation” атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси “келишиш, тинчликка эришув” деган маъноларни англатади.

Медиация бу “икки тарафни келишувга келтиришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган жиноий низоларни ҳал этишнинг судгача бўлган алтернатив усулидир ва медиатор деб ном олган бетараф учинчи шахс икки томонни бир жойга келтириб уларни қониқтирадиган келишув устида музокара олиб боришни таъминлайди.”²⁰ Медиатор тарафларнинг умумий манфаатини кўзлаган ҳолда иш юритади.

Медиация жиноий низоларни ҳал қилишнинг алтернатив (судга қадар бўлган) усулларидан бири бўлиб, у ривожланган давлатларда ADR (alternative dispute resolution) номи билан машҳур. Медиация жиноий низоларни суд залига бормаган ҳолда, маълум келишмовчиликлар учун маълум усулларни кўллаган ҳолда икки тараф учун келишувнинг энг мақбул турини танлаб беради.²¹

Медиация институтининг мақсади – низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холислиги, маҳфийлик кабилар киради. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ.

Медиацияга нисбатан жамиятда вужудга келган эҳтиёж ўтган асрда янги касб – медиаторликнинг шаклланишига олиб келди. Медиаторлик билан

²⁰ See *Victim Offender Mediation in Cases of Domestic Violence*, Workshop 17 of the European Forum for Victim Offender Mediation and Restorative Justice Proceedings from conference “Restorative Justice in Europe: Where are we heading?” Budapest, Hungary, 14-16 October 2004.

²¹ <http://www.jstor.org/discover/10.2307/41633831/American> Academy of Political and Social Science//Reform in Criminal Procedure by Hon Everett and P. Wheeler, pp. 185-189, New York City.

шуғулланувчилар – медиаторлар тарафлар ўртасида вужудга келган келишмовчилик ва низоларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Бунда медиатор далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча, медиаторнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, улар учун маъкул ва мақбул шартларда масалани ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборат. Медиация мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал жараён бўлиб, бу низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра, танлаб олган, бетараф учинчи шахснинг воситачилигига жиноий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони ўзаро муроса-ярашув йўли билан хуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Бетараф учинчи шахс – медиатор аслида судья эмас ва вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ҳам қабул қиласиди.²²

Медиация институти кўплаб хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 70-80-йилларида янги атама сифатида пайдо бўлди. Евropa мамлакатларидан Францияда биринчи медиатор – 1973 йилда тайинланган бўлиб, бу Швециядаги Омбудсманга ўхшаш институт бўлган. Дастлаб Францияда медиацияга ишончсизлик билан қаралган. Бироқ ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб низоларни ҳал этишнинг мазкур усули афзалликлари тушунилиб, уни қўллаш кенг жорий қилина бошланди.²³

Жиноят процессида медиация институтини турли давлатларда турлиcha ном олиб (“restorative justice” ёки “alternative dispute resolution”) ²⁴ даставвал жиноят-процессуал хуқуқидан ташқарида вужудга келиб, ҳозирда жиноят процессуал хуқуқида ҳам ўз ўрнини топиб келмоқда. Лекин тадқиқот доирасида фақат медиация институти (ва ярашув институти) ҳақида сўз

²²Mediate.com/distinguish/mediation/reconciliation-Mediation in the Criminal Law, *Zeno Daniel Sustac* (last visited on December 12, 2013)

²³Naude et al “restorative justice: a global overview of its functioning and effectiveness” (2003) 16(5) Acta criminological at 1.

¹Alternative dispute resolution or Restorative justice, The Thai Experience pp. 1-4., by Dr. Kittipong Kittayarak, new York City, 2003

юритиши орқали “restorative justice” ни тушунишга ва илмий жиҳатдан ўрганишга ҳаракат қиласиз. “Restorative justice” ни биз “қайта тикланадиган адолат” деб таржима қилишга қарор қилдик. Лекин илмий ишда restorative justice атамасини ўзини қўллашга қарор қилдик, зеро халқаро миқёсда машхур бўлиб бораётган институтнинг номи айнан шундай.

“Restorative justice” жиноят ва жабрланувчи ҳақида бутунлай бошқача фикрлашни таклиф этади. Жиноий ҳаракатлардан асосий жабр кўрган томон давлат эмас, балки жабрланувчи шахси эканлигини таъкидлайди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга буни инобатга олишни таклиф этади.²⁵

“Restorative justice” жиноят бу тўғридан тўғри ҳусусий шахсларга қаратилган деб билади ва ҳусусий айблов билан боғлайди. Жиноятдан энг кўп зарар кўрганларга келишмовчиликни ҳал этиш жараёнида фаол иштирок учун имконият берилиши кераклигини таъкидлайди.

Маълумки, давлатнинг (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали) ўз олдига қўйган вазифаларидан бири жамиятда жиноятчилик сонини камайтириш ва халқ учун тинч ва фаровон ҳаёт таъминлаб беришdir. Бу мақсадни улар жиноят юз бермасдан олдин ва бевосита жиноят юз берганидан сўнг амалга оширади. Жиноят содир бўлгунга қадар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишдан ишни бошлайди ва қонун чиқарувчи жамиятнинг ривожланишига қараб мос равишда қонунлар ишлаб чиқаради. Жиноят содир бўлгандан кейин эса, давлат юқоридаги юксак мақсадни амалга оширишда жуда ҳам синчков ва эътиборли ҳаракат қиласи. Қисқа қилиб айтганда давлат, жиноятчи билан ишлаб жабрланувчини беътибор қолдириши мумкин эмас, ва шу ўринда, жабрланувчига афзалликлар бериб айбланувчига эса фақат жазоловчи муносабатда бўла олмайди.²⁶

² Reform in criminal Procedure by Everett P.Wheeler, Source: Columbia Law Review, Vol.4, No.5 (May, 1984), pp. 356-363, published by Columbia Law Review Association, Inc., Stable Url: [Http://www.jstor.org/stable/1109459](http://www.jstor.org/stable/1109459)

³ Restorative justice through mediation: What we are learning from research. Mark S. Umbreit, Ph.D., Robert B. Coates, Ph.D., Betty Vos, Ph.D., Center for Restorative justice and Peacemaking, School of Social Work, University of Minnesota, pp.36-38.

²⁶ Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш мезонлари. Монография / проф. Ф.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.:, ТДЮИ, 2007.-20-256.

Озодликдан маҳрум қилиш муассасасидан қайтган, содир этган жинояти учун жазони ўтаб, янги ҳаётга қадам қўйиши лозим бўлган фуқаро учун жамиятга киришиш қай даражада қийин эканини ҳаммамиз биламиз. Жиноят процессуал кодексининг 66¹ моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга) содир этган жиноятчиларга нисбатан ҳукм чиқараётганда судя, тергов жараёнида терговчи ва бошқа ваколатли ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлар ходимлари айбланувчи (судланувчи) нинг жазони ўташ муассасадан қайтгандан кейинги ҳаёти ҳақида озгина фикрлаб, кейин қарор қилсалар, яъни, келиб чиқиши мумкин бўлган ёмон оқибатларни инобатга олиб, уларни ҳеч қайси ташкилот ишга олмаслигини назарда тутиб, улардан яқинлар ва қариндошларнинг кўпчилиги юз ўгириб кетишини ёдда тутиб ва ниҳоят улар жамиятда ўзларини “ажратиб қўйилган” деб билишларини ҳис этиб қарор қилсалар, фуқаролар учун фаровон ҳаёт таъминлаб беришига, катта ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Бундан келиб чиқадики, жиноят ишларини юритиш соҳасида медиацияни жорий қилиш, ярашувнинг мавжуд қоидаларини такомиллаштириш керак. Шунда биз нафақат жабрланувчига, балки айбланувчига ҳам адолатни ўрнатишда ва бузилган ҳуқуқни тиклашда ҳисса қўшишига имкон берган бўламиз.

Ярашув институти - жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасига кўра, жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айборлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатишдир

Ярашув институти ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан қўлланилади, оғир ва ўта оғир жиноятларга нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 66¹-модда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари кўрсатиб ўтилган. Ҳозирда ушбу прим модда ўз таркибида 60 та моддани мужассамлаштиради, жумладан 105-моддасининг биринчи

қисмида (қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли рүхий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасдан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг биринчи ва икkinчи қисмларида (таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равиша туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг биринчи ва икkinчи қисмларида (касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишига мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равиша озодликдан маҳрум қилиш), 139-моддасининг биринчи ва икkinчи қисмларида (туҳмат), 140-моддасининг биринчи ва икkinчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 1411-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 1412-моддасининг биринчи қисмида (шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 143-моддасида (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат

қилиш ҳуқуқини бузиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 180-моддасида (сохта банкротлик), 181-моддасида (банкротликни яшириш), 1852-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 189-моддасида (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш), 191-моддасида (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 229-моддасида (ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисмида (мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безорилик), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган

жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарлиқдан озод этилиши мумкин деб белгилаб қўйилган.²⁷

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 66¹-модда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарлиқдан озод қилиш асослари кўрсатиб ўтилган. Ҳозирда ушбу прим модда ўз таркибида 60 та моддани мужассамлаштиради.

2001 йил 29 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун билан ярашув институти ЖПКга кириб келди. Мазкур қонун билан жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига муҳим ўзгартишлар киритилди. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил чораларини кўллаш доираси кенгайтирилди.²⁸

Ярашув институтининг талабларига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда халқимизнинг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 60 жиноят таркиби бўйича ярашув институтини кўллаш имконияти назарда тутилган.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши лозим. Аризада етказилган зарар бартараф этилгани, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини

²⁷66¹-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда

²⁸Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида химоячининг иштироки. Ўқув қўлланма / проф. Ф.А.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.:, ТДЮИ, 2005.-137б.

тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт. Бундай ариза суд муҳокамаси ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишига киришиши лозим. Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилгандагина, ярашув тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мумкин.²⁹

Жиноят ишларида ярашув институтини кўллаш афзалликларнинг бир қанча афзалликлари бор. Жумладан:

- жабрланувчиларнинг бузилган хуқуқларини тўла ва самарали тиклашга кўмаклашади;
- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортмаган ҳолда қайта тарбиялашга ёрдам беради;
- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишларни самарали ва тезкор ҳал этишга ёрдам беради;
- жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани боис судланмаган ҳисобланishiiga олиб келади.

Медиация институтига келсак, Х.Д.Аликперовнинг фикрига кўра, **медиация институтини жиноят ва жиноят процессуал хуқуқига тегишли бўлган умумий институт ҳисобланади ва унда низолашувчи томонлар ўз ихтиёрлари билан холис шахс (медиатор) иштироқида низони ҳал этиш мақсадида шартнома тузишади. Шунингдек, медиация судларда мавжуд бўлган иш ҳажмини камайтиришда ва шу орқали одил судловнинг сифатли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади.** Медиация тартиботи томонларнинг ихтиёрийлик, махфийлик, ҳамкорлик ва тенг хуқуқлийк, медиаторнинг холислик ва мустақиллик тамойиллари асосида томонлар ўзаро эркин хоҳиш билдиришларида ўтказилади. Медиация жараёни, мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган, конфиденциал, яъни махфий ва ёпик жараён бўлиб, бу

²⁹Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳакида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майда қарори.

низолашаётган тарафларнинг ўз ихтиёрларига кўра танлаб олинган, бетараф ва холис учинчи шахснинг воситачилигига, шартномавий-ҳукуқий муносабатлардан келиб чиққан низони шов-шувларсиз ўзаро муносабатларни сақлаб қолиш учун муросаю мадора - ярашув йўли билан ҳукуқий асосда ҳал этиш жараёнидир.³⁰

Холис учинчи шахс - медиатор аслида судья эмас, балки у тарафларни муросага келтирувчи, холис ва бетараф шахсдир. Медиатор вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ёки мажбурий ҳужжат қабул қилмайди, балки у тарафларга низонинг ўзаро фойдали ечимини топишга ёрдам беради, холос.

Фикримизча, Ярашув институти ва медиацияни бир бири билан қиёслаганимизда медиациянинг ҳам томонларни келишувга эришишида нечоғлик аҳамиятга эга институт эканлигига амин бўламиз.

Биринчидан, ярашув институти ва медиация қўлланиш субъекти доирасида фарқланади. Ярашувни факат суд қўллаши мумкин. Медиация институтини медиация доирасига таълуқли ишни тергов қилувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган прокурор назорати остида амалга ошириши мумкин.

Иккинчидан, жабрланувчи ва айбланувчини келишувга эришишида иккала томонга ҳам боғлиқ бўлмаган учинчи шахснинг иштирок этиш ёки иштирок этмаслигига кўра фарқланади. Ярашув жараёнида жабрланувчи ва айбланувчини ярашувга эришишида мустақил учинчи томон аралашмайди. Бунда томонлар ўзаро келишувга эришади. Бу вазифани ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ёки суд амалга оширади. Бу еса томонларнинг ярашишига маълум даражада тўсиқ бўлиши мумкин. Медиацияда эса икки томоннинг ярашувида мустақил учинчи шахс, медиатор, томонларнинг ярашувга эришишига қўмаклашади.

Учинчидан, суднинг юқори инстанцияларида қўлланиш доирасига кўра фарқланади. Яъни, жиноят процессуал кодексининг 583-моддасига асосан

³⁰ Аликперов Х.Д., Зейнабов М.А. Компромисс в борьбе с преступностью. М., 1999. С.51 и след.

ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкинлиги белгиланган. Медиация жараёнида эса, бундай қатъий норма мавжуд эмас. Айнан мазкур чекловнинг ўрнатилиши томонларнинг апелляция инстансия босқичида ярашувга эришишига тўсиқ бўлиб қолмоқда. Медиация жараёни эса суднинг барча инстанция жараёни давомида қўлланиши мумкин.

Тўртинчидан, жиноят процессуал кодексининг 583-моддасига кўра аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш хуқуқини йўқотишини тушунтириши шартлиги белгиланган. Яъни Жабрланувчи келишувга эришгандан сўнг мазкур ишни қайта тиклашни сўраб мурожаат қила олмайди. Медиация жараёнида медиация келишувига эришган томонлар томонидан имзоланган медиатив келишув ижро қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар қаторига тенглаштирилади ва айбдор томон келишувни бажармаган тақдирда жабрланувчи медиатив келишувни мажбурий ижрога топширганда медиатив келишув мажбурий ижро этилиши шарт ҳисобланади.

1994 йилда Америка Қўшма Штатлари Федерал ҳукумат томонидан қабул қилинган “Медиация фаолияти ва медиаторлар учун одоб-ахлоқ қоидалари” деб номланган қонунга назар ташласак, медиациянинг асосий ҳусусиятлари қуйидагилардир:

- медиация тарафлар томонидан тартибга солинадиган, мажбурлов жараёни ҳисобланмайди;
- медиация тарафлари қарор қабул қилишга мажбур этилмайди. У воситачилик, тўғрироғи, низони ҳал қилишда тарафларга хизмат қўрсатувчи шахс ролини бажаради;
- медиация – яширин, ошкор қилинмайдиган жараён;
- маҳфийлик тарафларга музокараларни ошкор қилинишини истисно

қилган ҳолда, эркин ва натижали тарзда ҳал қилинишини таъминлайди;

- медиация – тарафларнинг ўзаро манфаатларига асосланган жараён;
- медиацияда тарафлар ўзларининг шахсий иш манфаатларига ҳам амал қилишади. Шу тарзда, тарафлар келажакдаги иш фаолиятларига қаратилган, шу жумладан ўтмишдаги муносабатларни ҳам ҳисобга олган натижани эркин тарзда танлаш имкониятига эга бўладилар;
- медиациянинг эркин ва маҳфий эканлиги тарафларларга жиддий фойда ҳамда оз миқдорда таваккалчилик келтиради. Дарҳақиқат, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, низо ҳал этилмаган тақдирда ҳам, модомики, медиация тарафларга низонинг муаммолари ва вазиятни аниқлашга имкон берар экан, ҳар доим муваффақият қозонади, бундан ташқари ҳар қандай ҳолатда бўлажак суд муҳокамасида низони бартараф этишга олдиндан замин яратади.³¹

Ватцке Эднинг фикрига кўра медиация - бу медиация иштирокчиларининг шартнома ёки бошқа хукуқий муносабатлар асосида юзага келадиган, медиаторлар воситачилигига ҳал этиладиган, суд муҳокамаси бўлмаган фаолият тури.³²

Г.Метанинг таърифига кўра медиация – бу ҳамжиҳатликка эришиш ва низоли вазиятни ҳал қилувчи келишувни тузиш мақсадида холис шахс – медиатор (воситачи) ҳузурида томонларнинг музокараларга ихтиёрий киришиш йўли билан низони ҳал қилиш тартиботидир.³³

Юқорида келтирилган олимларнинг фикрларига эътибор қаратганимизда Х.Д.Аликперов медиация институтининг таърифлаганда медиация судларда мавжуд бўлган иш ҳажмини камайтиришда ва шу орқали одил судловнинг сифатли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этишига асосий ургу беради. Бир томондан бу маълум даражада тўғри бўлса, иккинчи

³¹The Model Standards of Conduct for Mediators, 1994-American Bar Association’s Section of Dispute Resolution, Act 24/56, 1994

³²Ватцке, Эд. «Вполне возможно, эта история не имеет к вам никакого отношения...»: истории, метафоры, крылатые выражения и афоризмы в медиации — М.: Межрегиональный центр управлеченческого и политического консультирования, 2009.— 144

³³Медиация — искусство разрешать конфликты. Знакомство с теорией, методом и профессиональными технологиями / Составители: Г.Мета, Г.Похмелкина / Перевод с нем. Г.Похмелкиной. — М.: Издательство Verte, 2004. — 320 с.

томондан асосий эътибор томонларнинг ярашувига, зарарнинг қопланганлигига асосий эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Бизнинг фикримизча, медиация бу холис учинчи томон низолашаётган томонларга можарони ихтисослашган алоқа ва музокаралар усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишда ёрдам берадиган тизимли, интерактив жараёндир. Келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули

Ярашув бизда суд қарори билан расмийлаштирилса, айрим хорижий давлатларда жабрланувчи ва ҳуқуқбузарнинг ярашиш истаги судловнинг ҳуқуқни тиклаш ғояси билан қўшилиб кетади. Тони Ф. Маршалнинг илмий ишларида шуни кўришимиз мумкинки юқоридаги фикрларни ўзида мужассам этган Ярашув дастури (Victim Offender Reconciliation Program – VORP) нодавлат ташкилотлар ёки ярашув хизматлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бу дастур бўйича маҳсус воситачи – холис шахс дастлаб жабрланувчи ва жиноятни содир этган шахс билан алоҳида-алоҳида учрашади, содир бўлган воқеа юзасидан уларнинг фикрларини эшитади, саволларига жавоб беради. Агар ҳар икки томон келишишни истаса, воситачи уларнинг учрашувини ташкиллаштиради. Жабрланувчи айбдорнинг сўзларини эшитади ва унга истаган саволини бериши мумкин. Айбдор ҳам жабрланувчининг сўзларини эшитади, жабрланувчи ўзининг далилларини айтади. Шундан сўнг улар етказилган зарарни ундириш ҳақида ёзма шартнома тузадилар ва бу шартнома ишни ярашиш учун юборган органга тақдим этилади. Иш суддан келган бўлса, шартнома ҳукмнинг бир қисмидан иборат бўлади. Агар иш полициядан ёки прокуратурадан келган бўлса, тузилган шартнома муваффақиятли амалга ошганидан сўнг тугатилади.³⁴

Юридик фанлари доктори Шоназар Бердиев ярашув ва медиация институтини жиноят процессига татбиқ этиш юзасидан ўз фикрларини баён

³⁴Tony F. Marshall, *Results of Research from British Experiments in Restorative Justice*, in CRIMINAL JUSTICE, RESTITUTION, AND RECONCILIATION 83, 83-86 (Burt Galaway & Joe Hudson eds., 1990).

етиб, шундай дейди: “Жиноий судлов жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган шахсга қонунда белгиланган адолатли жазо тайинлаш мақсадида амалга оширилади. Жиноят қанча тез фош этилса, тўлиқ ва сифатли тергов қилинса, жиноий жавобгарликка оид нормалар шунча аниқ қўлланади.

Ярашув гояси, биринчидан, жабрланувчи билан айбдор ўртасидаги процесдуал харажатлари кам бўлган келишмовчиликни бартараф этади. Иккинчидан, мажбурий бўлмаган чоралар билан уларни юмшатиб, ижтимоий қарама-қаршиликларни ҳал қилишга имконият туғдиради. Учинчидан, жабрланувчига етказилган зарар компенсацияси бузилган ҳукуқлар тикланишини кафолатлайди. Тўртинчидан, жиноят иши юзасидан судлашаётган барча манфаатдор субъектлар ўртасидаги адолатли келишувни тасдиқлайди. Бешинчидан, ярашув тарафларнинг ва, айниқса, жабрланувчининг маданий-маънавий савияси юқори эканини кўрсатади.³⁵

Демак, хulosса қилиб айтадиган бўлсак, медиация келишмовчилик ва низоларни ҳал этишнинг самарали ҳамда иқтисодий жиҳатдан тежамли усули бўлиб, бунда низолашувчи тарафлар ўз муносабатини сақлаб, баъзан яхшилаб олган ҳолда келишувга эришса бўлади.

Биринчи боб доирасида қўйидаги хulosаларга келинди:

Бугунги кунга қадар медиация уч босқичда шаклланди **биринчи босқич** - Ўзбекистон ҳудудида VII асрдан XX асрнинг 20 – йилларигача бўлган даврни ўз ичига олса, **иккинчи босқич-** 1920 йилдан 1990 йилгacha бўлган 70 йиллик даврни ўз ичига олади. **Учинчи босқич эса** - 1991 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларидағи медиация тарихи мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва ратификация қилинган ҳалқаро шартномалар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари билан боғлиқ.

Ярашув институти - жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасига кўра, жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг

³⁵Бердиев Шоназар Б. “Ярашув институти - унга оид қонун нормаларини қўллаш муаммолари”// Huquq va burch, 2012, №5. Веб манзил: www.huquqburch.uz (2013 йил 15 ноябрь ҳолатига)

айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб **жиноят ишларини тугатиш ҳисобланса, медиация** - ҳамжиҳатликка эришиш ва низоли вазиятни ҳал қилувчи келишувни тузиш мақсадида холис шахс – медиатор (воситачи) орқали томонларнинг музокараларга ихтиёрий киришиш йўли билан низони ҳал қилиш тартиботидир.

Медиация институти жиноятга қарши жавоб беришга умуман фарқли ёндашади. Медиация эътиборни жабрланувчи ва жамият аъзоларининг ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда иштирок этишларига, юзма-юз сухбат қуриш учун имкониятга, музокарага, муаммони ечишга қаратади ва бу бизга жамият хавфсизлигини таъминлаш, келишмовчиликларни ҳал этиш ва жиноят натижасида келиб чиқсан барча муаммоларни ечиш учун йўллар очиб беради.

Бошқа жиноятчини жазолашга қарши қаратилган жиноят ҳуқуқий тизимлардан фарқли ўлароқ, медиация асосий эътиборни жамият аъзоларига, жабрланувчига ва жиноятчиларга қаратади. Ушбу ёндашув халқаро миқёсда олимлар томонидан қизиқиши үйғотмоқда ва тамойиллар, қадриятлар ва ишлаш методлари бўйича улар ўз фикрларини бериб бормоқдалар. Аммо камчилик шундан иборатки, бу янги институтни жамиятда имплементация қилиш масаласи осонликча ҳал бўлиб қолаётгани йўқ. Халқаро миқёсда медиация институтини унча хавфли бўлмаган жиноятларга ва вояга етмаганлар иштирокидаги жиноятларга нисбатан қўллаш лозим деб ҳисблайдилар.

Амалиётга эндиғина кириб келаётган назария сифатида (қадимги қадриятлар ва урф-одатларга асосланган ҳолда), медиация институти дунёning аксарият ҳуқуқшунослари ва амалиётчилар томонидан қўллаб-куватланмоқда.

II боб. Жиноят процесуал қонунига медиация институтини татбиқ этиш механизми.

1. Жиноят процесига медиация институтини татбиқ этиш зарурати ва амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.

Дунё амалиётида медиация институти дастлаб оилавий ва меҳнатга оид низоларни ҳал қилишда қўлланилган бўлса, кейинчалик иқтисодий келишмовчиликларни ҳам бартараф этишда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Ҳозирги кунда эса барчамизга аёнки дунёнинг ривожланган давлатлари ўз қонунларини либераллаштириш (янада инсонпарвар қилиш) йўлида изланмоқда.³⁶ Ўзбекистонда ҳам давлатнинг жиноят ва жиноят-процесуал сиёсати либераллашиб боряпти. Зоро, медиация институти жабрланувчига ўзига етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиб, айловни қўллаб-қувватлаш ёки ундан воз кечишни танлаш ҳукуқини беради. Айни пайтда бу институт жиноят содир этган шахсни ўйлашга мажбур қилиб, жиноят қонунининг рағбатлантирувчи нормаларига асосан, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, айбига иқрор бўлиш, одил судлов органларининг жиноятни фош этишига кўмаклашиш, хуллас, муайян даражада ва шаклда ҳукуқни муҳофаза қилиш мақсадида ҳаракатга тушишига туртки беради.

Ярашув институтини янада такомиллаштириш ва унинг таъсирига тушадиган шахслар доираси устида янада ўйлаб қўриш жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этган бўларди.

Амалдаги қонунчилигимизда ярашув институтини қўллаш имконияти ҳозирча фақат биринчи инстанция судига берилган. Уни қўллашни суднинг

³⁶Мухитдинов Ф.М., Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. Монография. Т.:“Адолат” нашриёти, 2002, 6-б.

апелляция, кассация босқичларида ҳам жорий этилмаган.³⁷ Чунки амалиётда шундай ҳолатлар юзага келмоқдаки, биринчи инстанция судида ярашув институти таъсир доирасига тушувчи жиноят ишини қўриб, суд жабрланувчи ярашмаганлиги муносабати билан судланувчига нисбатан айлов ҳукми чиқаради. Аммо маълум муддат ўтгач, жабрланувчида судланувчи билан ярашиш истаги пайдо бўлган тақдирда ҳам суд ярашув институтини қўллай олмайди. Бундай ҳолатлар ярашувнинг имкониятларини маълум маънода чеклайди. Имкониятлари чекланган институтнинг имкониятларини медиация институти орқали имкониятларини кенгайтиришимиз лозим деб ҳисоблаймиз.

Ҳолбуки, судланувчи жабрланувчи билан ярашиш учун унинг кўнглига йўл топиши, шу мақсадда бу жараёнга ижтимоий институтлар, маҳалла ишчи жамоаси, ижтимоий ҳаракатлар ва кўрган оқсоқолларни жалб этиши ва ўзаро муросага келиш учун ҳам маълум вақт талаб қилинишини инобатга олиш зарур.

Биз Ўзбекистон жиноят процесессуал қонунчилиги доирасида медиация - жиноят таъқибини тугатиш ёки суд қарорини чиқариш учун айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида ярашувга эришишга қаратилган томонларнинг келишувини ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилган тартиbdаги жараён деб ҳисоблаймиз.

Дунёдаги бугунги замонавий жиноят процессыал қонунчиликда жиноий ишга ечим беришнинг бир қанча муқобил усулларидан фойдаланишмоқда. Ўзбекистон Республикаси жиноят процесессуал кодексида жиноий ишини ҳал қилишнинг энг табиий ва кенг тарқалган усули - бу доимий равища жиноят ишини юритиш, бу суд қарори билан якунланади ва шу орқали жиноят иши ҳал қилинади.

Жаҳон амалиётида жиноят-хуқуқий зиддиятни ҳал қилиш учун воситачиликнинг бир нечта моделлари ишлаб чиқилган. Медиация жиноят иши қўзғатилишидан олдин қўлланилиши ва уни қўзғатишни рад этишга олиб

³⁷Иногомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. Ўкув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б.93.

келиши мумкин, шунингдек, жиноят иши қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда моделлар воситачилик процедураси жараённинг қайси босқичида қўлланилишига қараб фарқланади.³⁸

Жиноятчини ҳал қилиш учун бундай илғор ғоялар муқобил процедуралар бўйича иш жиноий адлия тизимининг самарадорлигини ошириш, шу билан судларда кўриб чиқилмаган жиноят ишлари сонини камайтириш, одил судловни амалга ошириш муддатини қисқартириш ва харажатларни камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида юзага келди.

Республикамизда олиб борилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари натижасида, ҳозирга келиб, ривожланиш ва тез ўзгаришлар натижаси ўлароқ, медиация институтини жиноят процессига татбиқ этиш зарур бўлиб қолди, буни куйидаги сабаблар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, ярашув институти кутилган натижани кимлар учундир беряпти, кимлар учун эса йўқ. Яъни, терговчи, суриштирувчи, судья ва терговчи учун кутилган натижа бор. Иш тезроқ тугайди. Айбланувчи аввалига хурсанд бўляпти, маълум муддат ўтгандан сўнг эса у “бу фуқаро жиноят содир этган ва судланган (суд залига борган, яъни)” деган маълумот сақланиб қолганини ва бу нарса унинг келажакда баъзи амалга оширмоқчи бўлган ишларида тўсқинлик қилишидан хабар топяпти. Дардини айтиб қаёққа боришни билмаяпти. Ҳукуқни муҳофаза қилиш ташкилотларига борса “бу иш бизни ваколатимизда эмас” деб бошқа ташкилотга жўнатиб юбориляпти. “Шахс судланмаган деб топилади” деб қонунда ёзиб қўйган билан, амалда натижа кутилганидек эмас.

Шу ерда айтиб ўтишимиз жоизки, биз барча жиноятчилар ҳақида сўз юритаётганимиз йўқ. Фақатгина ЖКнинг 66¹ модданинг баъзи қисми, оила ичидаги можароларнинг жиноят даражасига етиб боргани (биринчи марта) ва

³⁸ Воскобитова Л.А., Ткачев В.Н., Сачков А.Н. Мировая юстиция: к вопросу о внедрении идей восстановительного правосудия. // Российское правосудие, 2007. № 12. С. 76-84.

вояга етмаганлар жиноятчилиги (биринчи марта) ҳақида сўз юритиляпти.

Иккинчидан, ярашиб олиб маълум муддат ўтгандан сўнг ярашганига афсус қилиб қолаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунга сабаб, тўғри, етказилган зарар қопланган бўлади, лекин инсон ҳамма бузилган муносабат ҳам зарарни қопланиши билан ўз ўрнига тушиб кетмаслигини маълум муддат ўтгандан сўнг тушуниб етади. Агар биз медиация жараёнини қўлласак шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчини юзма юз келса ва улар дилдан суҳбат қуриши керак. Шунда жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс ёки айбланувчи жабрланувчининг юзида ўзи қилган айб ишнинг келиб чиқкан оқибатларини кўрса, сезса, ҳис қилса, ва бунинг натижасида чин қўнгилдан узр сўраса, афв тиласа, масаланинг ечими албатта топилган бўлар эди. Чunksи, суд залида туриб “мени кечиринглар, мен айб иш қилиб қўйдим” деган гап одатда чин қўнгилдан чиқмайди, жазони енгиллаштириш учун айтилади, холос. Жабрланувчига эса бу нарса умуман керак эмас. Ҳатто немис олимлари Степанос Бибас ва А.Биерсбах “чин юракдан афсусланиш ва узр сўрашни жиноят процессуал кодексига киритиш керак” деган фикрни илгари суришади³⁹. Бу билан муаллифлар айбига иқорлик низоларини ҳал қилиш учун нафақат моддий ҳуқуқ жихатдан муҳим, балки процессуал чораларни қўллаш учун катта аҳамият касб этишини асослаб берганлар.

Учинчидан, жиноят процессуал кодексининг 583-моддасига қўра, аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шартлиги белгиланган. Яъни, жабрланувчи ярашувга эришгандан сўнг мазкур ишни қайта тиклашни сўраб мурожаат қила олмайди. Медиация жараёнида келишувга эришган томонлар томонидан имзолангандан медиатив келишув ижро қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар қаторига tenglashshiriladi ва айбдор томон келишувни

³⁹ Stephanos Bibas va A.Bierschbach, Integrating remorse and apology into Criminal Procedure, Tha Yale Law Journal, 2006

бажармаган тақдирда жабрланувчи медиатив келишувни мажбурий ижрога топширганда шартлар мажбурий ижро этилиши шарт ҳисобланади.

Тўртингидан, бизда Президентимиз томонидан қайта қайта эътибор берилаётган, олимлар томонидан ҳуқуқий базаси ривожлантирилаётган ва қадим қадимдан биз учун қадрият бўлиб келган маҳалла институти бор. Биз бу институтдан жиноятчиликни олдини олишда, фуқароларнинг ҳуқуқий салоҳиятини оширишда ва фуқароларни бир бири билан келиширишда ва яраштиришда фойдаланмоғимиз лозим. Тинч ва фаровон ҳамда ҳамжиҳат ҳаёт тарзини инсонлар учун яратишда маҳалла институтининг роли катта. Биз бу институтни янада мустаҳкамламоғимиз ва ваколатларини кенгайтирмоғимиз лозим. Зеро, маҳалла оқсоқоли ва профилактика нозири инсонларга энг яқиндир. Яъни, уларни ҳаётидан, яхши-ёмонидан ва муаммоларидан биринчи бўлиб хабардор бўладиган одамлар шулардир.

Республикамида олиб борилаётган жиноят ва жиноят процесдуал ҳуқуқ нормаларини либераллаштириш натижасида, ҳозирга келиб, чинакам медиация учун кенг имкониятлар эшиги очилди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, медиация, Европа давлатларида жиноий - ҳуқуқий низоларни ҳал этишда жуда самарали ҳисобланади. Айниқса, англо-саксон ҳуқуқий тизимида яраштирув жараёнларида медиация кенг қўлланилади.⁴⁰

Охирги ўн йилликда Европа Ҳамжамияти доирасида медиацияга ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш имкониятларидан бири сифатида мурожаат этиш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу аснода, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятига чуқур интеграциялашувини инобатга олиб, илғор мамлакатлар юридик тажрибасидан фойдаланиб, ўз миллий қадриятларимизга мос равища қонунчиликни ривожлантириб, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамланиб бориши

⁴⁰Ҳайдаров А. Айрим хорижий мамлакатларда жиноят ишларини юритиш тартиби. Илмий рисола. Т., “Fan va texnologiya” нашриёти, 2007, 63-б.

илмий методологик асосларини медиация институтига нисбатан қўллаш ва ўрганиш – давр талабидир.

Суҳбат қуриш, гаплашиб ўтириш, музокара олиб боришининг кучи ва таъсири шу даражада кучлики, уни биз кўп ҳам сезавермаймиз ва амалиётдаги аҳамиятига унча эътибор қаратмаймиз. Лекин, шуни ёдда тутишимиз лозимки, озгина суҳбат қуриб ўтириш орқали бузилиб кетиш арафасида турган оиласалар ярашиб кетади ёки муносабатлари таранглашиб турган дўстлар орасида яна яхшилик уруғлари сочилади. Ваҳоланки, бутун дунё миқёсида содир бўлаётган қанча қанча қалтис вазиятлар уруш ва жазолаш орқали эмас, балки музокаралар орқали ҳал этиляпти⁴¹.

Жиноят процессига келсак, бизда медиация институтини қабул қилиб бўлмайди дейдиганлар кам эмас, “ярашув институтининг ўзи етади” деб айтадиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин ўзбек халқининг урф-одатлари ва қадриятларини “устидан босиб ўтиб кетиш”га ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. “Кичикларга иззат, катталарга ҳурмат”, “оила муқаддасдир” ва “ватан остонодан (оиладан) бошланади” деган халқимизнинг мақоллари бежиз эмас. Буларнинг тагида шу фикр ётадики, сиз ва биз ҳуқуқбузарлик содир этган ҳаммани жазолай олмаймиз. Яъни, суд залига олиб бора олмаймиз, бу тўғри бўлмайди.

Меҳр-оқибат кўрсатиш, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қардошлиқ, дўстлик, қўшничилик ришталарини мустахкамлаш – халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Халқимиз ҳар қандай келишмовчиликни тинч йўл билан, муроса-ю мадора асосида ҳал этишга одатланган, аразлашганларни яраштириш ана шундай хайрли амаллардандир.⁴²

Айтайлик, икки овсин болалари устида жанжаллашиб қолади-ю, улардан бири жаҳл устида иккинчисига тан жароҳати етказди. Бир қарашда – оилавий

⁴¹Alternatives to Court Proceedings The Increased Use of Reconciliation in Criminal Cases in Central Asia: A Sign of Reform or Cause for Concern? Cynthia Alkon

⁴²Каримов И.А.Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг мухим омилидир // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

можаро, аммо қонун нуқтаи назаридан – жиноят. Бирок яқин қариндошларнинг судлашуви ёки кимнингдир жазога тортилиши оила мұхитига, фарзандлар келажагига катта салбий таъсир үтказиши турған гап. Шу боис улар бир-бирини кечириб, тезда ярашиб олади.

Яна бир ҳолатда эр-хотиннинг уруши оқибатида эркак қўлига эрк беради ва аёл ғазаб устида судга ариза билан мурожаат қиласди. Ёш фарзанди бўлган ёш оиланинг тақдири арзимаган тортишув сабаб жар ёқасига келиб қолади. Иш шу тахлит давом этиб, оила бошлиғи жазога тортилса, аёл бева, фарзанд тирик етим бўлиб қолади. Бу, аввало, уларнинг ўзларига, қолаверса, жамиятга қанчалик зарап келтиришини тасаввур қилиш қийин эмас. Медиация институтининг имконияти бундай оилани ҳам парокандаликдан асраб қолади.

Суд-ҳуқуқ тизими асосан жазолашга қаратилган собиқ тузум даврида бундай жанжаллар аксинча якун топгани сир эмас. Минглаб, ҳаттоки, миллионлаб фуқаролар ана шундай арзимаган сабаблар билан қамоққа тушган ва бундан нафақат айбдор, балки унинг оила аъзолари ҳам катта жабр чеккан.

2. Медиацияга тегишли доирадаги ишлар ва хуқукий тартибга солиш механизмлари.

Медиацияга тегишли ишлари доирасини белгилаб олиш, унинг назарий асосларни яратиш ва жиноятчиликка қарши қуаш соҳасидаги қонунчиликка таклиф қилиш дастлабки вазифадир.

Жиноят процессида медиация тушунчасини ишлаб чиқишида, қайси тоифадаги ишлар, қайси қонунга хилоф ҳаракатлар медиация доирасида ҳал қилиниши лозимлигига аниқлик киритиб олиш лозим ҳисобланади. Медиация процедураси ноконуний хатти-ҳаракатни содир этган шахс билан зарап кўрган шахс ўртасида келишувга эришиш учун қўлланилиши мумкин. Аммо барча ҳолатларда ҳам эмас. Фикримизча, ишни медиацияга юбориш тўғрисида қарор қабул қилишда процесси олиб борувчи мансабдор шахсларнинг хаддан ташқари ихтиёрига йўл қўймаслик учун аниқ мезонларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Биз томонимиздан таклиф қилинаётган медиация ишлари ярашув тартибидаги иш юритишдан фарқли равища жиноий низони ҳал қилиш ва унинг юзасидан қарор чиқариш жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ваколатидан чиқарилади. Бу эса ўз навбатида одил судловни хавф остига қолдириши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак. ЖКнинг 10-моддасида “Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи” баён қилинган бўлиб, унга кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартdir. Мазкур принципнинг процессуал кафолати бўлган “Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги” деб номланган ЖПК 15-моддасида “Прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт” дейилган. Медиация институтининг жорий қилиниши бу ҳолатларни бир оз истисно қиласи.

Бизнинг фикримизча, медиация процедураси ёрдамида ҳал қилиниши мумкин бўлган ишлар доирасини белгилашда баъзи омилларни ҳисобга олиш керак. Биринчидан, медиация жабрланувчи бўлмаган ҳолларда ёки жабрланувчи юридик шахс бўлган тақдирда қўлланилиши мумкин эмас. Бу томонларни яраштиришга, шахслар ўртасидаги зиддиятли вазиятни ҳал қилишга қаратилган медиация процедурасининг ўзига хос хусусияти билан боғлик. Яъни, агар шикастланган шахс жисмоний шахс бўлмаса, воситачилик амалга оширилмайди. Иккинчидан, биз оғир ва ўта оғир ҳолатлар тоифасига кирувчи жиноий ишларда медиациядан фойдаланиш уларнинг алоҳида ижтимоий хавфлилиги сабабли йўл қўйилмайди, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, одам ўлими шаклида ўта оғир оқибатларга олиб келадиган қилмишларга нисбатан медиацияни қўллаш мумкин эмас, чунки бу ҳолда зарарни мутаносиб равища қоплаш ҳақида гапириш жуда қийин. Шунингдек, медиация ҳаёт ва соғлиққа қарши зўравонлик жиноятларига

нисбатан қўлланилиши ҳам тўғри бўлмайди. Бундан ташқари, медиация процедураси жамоат учун хавфининг юқори даражаси билан тавсифланган жиноятлар учун (биринчи навбатда, оғир жиноятлар) нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Назарий манбалар ва хорижий давлатлар қонунчиликларини таҳлил қилган ҳолда шунингдек, медиацияга хос олдинги билдирилган фикрлар ҳамда тадқиқот иши концепциясини инобатга олган ҳолда медиацияга тушадиган жиноят ишларини қуйидаги мезонлар асосида аниқлаштиришни жоиз деб билдик. Булар:

1. Жиноий қилмишнинг хусусияти.
2. Жиноятни содир этган ва жабр кўрган шахсни тавсифловчи ҳолатлар.
3. Жиноятни содир этган шахс ва жабрланувчининг медиацияни қўллашга хоҳиши.
4. Жиноят содир этган ва жабр кўрган шахсни бир ижтимоий гурӯхга мансублиги.

Қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. *Жиноий қилмишнинг хусусияти.* Ярашувга ёки медиацияга тегишли ишлар борасида билдирилган кескин фикрларни таҳлил қиласиган бўлсак, баъзи олимларнинг фикрига кўра, айrim оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича медиация институти нормаларини қўллашни йўлга қўйиш лозим. Айrim олимларнинг фикрича, мазкур ҳолат жинсий жиноятларни содир қилиш миллий урф-одатлар билан боғлиқ ҳолатда содир қилинганда яхши самара беради⁴³. Шунингдек, баъзи бир адабиётларда жиноий қилмишни содир этган шахс билан бир гурӯх аъзоси бўлган жумладан, оила аъзолари, дўстлари, меҳрибон қўшнилари, бирга ишлайдиган яқинлари, синфдош жўралари каби зўрлик билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар оқибатида еткизилган заарнинг микдоридан қатъи назар имконият шартларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ижтимоий гурӯхларни сақлаб қолишга хизмат қиласи ва бунга

⁴³ Аликперов Х.Д. Преступность и компромисс. – Баку. 1992. - С.173-175

зарурат бўлганлиги учун керак. Жиноятда икки қарама-қарши томоннинг (бир томондан айбдорнинг қариндошлари ва яқинлари, бошқа томондан жабрланувчининг қариндошлари ва яқинлари) келажакда тинч яшашлари учун ярашувнинг зарурияти туғилади⁴⁴.

Жиноят ишини юритиш вазифасини ҳукуқни муҳофаза қилиш органларидан олиб, нопроцессуал ташкилий тузилмаларга беришда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси паст даражада бўлиши керак. Чунки ижтимоий хавфи катта бўлган жиноятларни нопрофессионал ёки ҳукуқни қўллаш тажрибасига эга бўлмаган шахсларга топшириб бўлмайди. Амалдаги жиноят қонунчилигига кўра, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади (15-модда). Булардан ижтимоий катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларни медиация қоидаларига кўра, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг юрисдикциясидан чиқариб, медиацияни амалга ошириши мумкин бўлгани ижтимоий тузилмаларга топшириш мумкин.

ЖПК 84-модда бешинчи қисм 3-бандида “садир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса” жиноят иши шахснинг (аникроғи гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг) розилиги билан тугатилади, деган қоида ёзилган. Бу ерда кузатиш мумкинки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия жиноят иши юзасидан ҳал қилув функциясини амалга оширади.

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг ҳаммаси юзасидан медиация қоидаларини қўллаш мумкин, деган қоидани илгари сурадиган бўлсак, бу ярашув институтини такрорлайди, унинг ҳаракат

⁴⁴Сверчков В.В. Освобождение от уголовной ответственности, прекращение уголовного дела (преследования), отказ в его возбуждении. Проблемы теории и практики. Санкт-Петербург Из-во Р.Асланова «Юридический центр Пресс», 2008. С. 217

доирасини қамраб олади. Қолаверса, назарияда ЖК 66¹- моддасидаги ярашувга тушадиган жиноятлар доирасини белгилашда уларни бирма-бир санаш қоидасидан чекинган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг ҳаммаси ярашувга мослаштириш хусусида таклифлар ҳам ишлаб чиқилган⁴⁵. Жиноят процессида медиацияни пухта ўрганган А.А. Арутюнян Россия Федерацияси ЖК 76-модасида белгиланган ярашув туфайли жавобгарликдан озод бўлишга асос бўладиган жиноятлар (яъни унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган) шахс томонидан биринчи маротаба содир этилган бўлса, медиация асосида тутатиш кераклиги таклиф қиласди⁴⁶. Бироқ “биринчи маротаба содир этилганлиги” тушунчасига етарлича эътибор қаратмаган. Иккинчи маротаба содир қилишда айнан бир жиноят тутилганлиги ёки унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар назарда тутилганлиги ёйинки умри давомида жиноят умуман жиноят содир этмаганлиги назарда тутилганлиги мавҳумлигича қолган.

С.М. Саҳаддинов вояга этмаганлар томонидан содир этилган ва унча оғир бўлмаган (ЖК 15-мод. 1 қисми), жиноятдан келтирилган зарарни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлган жиноятлар бўйича қонунчиликка ярашув институтини қўллаш таклиф этилган⁴⁷. Бу қоидани ярашув институтини такомиллаштириш учун асосли ҳисоблаш мумкин. Бироқ нопрофессионал ташкилотларда жиноят ишини ҳал қилиш учун бу қоидадан фойдаланиб бўлмайди.

Медиацияни қўллаш жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳам юз беришини ёқлаб, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни, ҳамда жиноят содир этган лекин жиноят процессининг бирон иштирокчиси мақомини олмаган шахсни ҳам қамраб олади.

⁴⁵Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати Тошкент-2011, 49-бет.

⁴⁶Арутюнян А.А. Медиация в уголовном процессе. Автореф. Дис.канд. юрид. наук. – М.: МГУ, 2012. с.30./dslib.ru

⁴⁷Саҳаддинов С.М. Суд мухокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари. Ю.ф.н. дарадасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. -27-бет

Хозирда ярашувнинг иккинчи шарти – айбдор оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун муқаддам судланмаган бўлиши шарт. Медиацияда шахс бирор бир жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳолатида бўлмаслиги керак.

3. Жиноятни содир этган ва жабрланган шахснинг медиацияни қўллашга хоҳии.

Медиация бу тарафларнинг ихтиёрий келишуви, деган қоида ҳаммага маълум. Бироқ шундай ҳолатлар борки, тарафлар хоҳишининг мавжудлиги мураккаблик касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ярашув ташаббуси ким томонидан қандай тарзда бошланиши ҳақида аниқ нормалар мавжуд эмас. Аммо Европа Иттифоқи таркибидаги аксарият давлатларда ярашув жараёни билан боғлиқ муносабатларни, яъни жиноят содир этган шахс билан жабрланувчини муросага келтириш тартиб-таомиллари ҳақида алоҳида қонун қабул қилинган ва жабрланувчи ташаббус билан чиқиши белгиланган. Шу жиҳати билан медиация айбини бўйнига олиб арз қилиш асосида жавобгарликдан озод қилишдан фарқланса керак. Биз таклиф қилинаётган ёки шунга ўхшаш қоидалар асосида медиация жорий қилинадиган бўлса, албатта ярашиш ёки келишиш талаби биринчи галда жабрланувчи томон ташаббусига боғланиши керак.

Медиация учун жиноят ишини тугатиш жабрланувчининг айбдорни кечириши ва ўзининг талабидан воз кечиши ҳамdir. Медиация танлови ҳақидаги ташаббус жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакилидан чиққанлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда асос жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганлиги (зарарни қоплаганлиги туфайли уни кечирганлиги) ҳақида расмий тартибда, яъни ариза билан мурожаат қилганлигидир.

Бу дегани медиация фақат жабрланувчининг ярашишга бўлган хоҳиши мавжудлигини англатмайди. Икки томон келишувига оид масала: жабрланувчи кечиради, айбланувчи эса айбини тан олиб, етказилган зарарни қоплайди (камайтиради).

А.Ирсалиев вояга етмаганлар иштирокида ярашувни қўллаш имкониятларини ошириб талқин қилиш мақсадида вояга етмаган жабрланувчининг ярашувга розилиги бўлиб, қонуний вакиллар норози бўлган ҳолларда ҳам аксинча вояга етмаган норози ёки унинг қонуний вакили ярашувни қўллаш юзасидан ариза берган ҳолларда ҳам ярашув қўлланилиши мумкинлиги хусусида таклифни илгари сурган⁴⁸. Буни ҳам қайсиadir жиҳатдан асосли деб топиш мумкин.

Ярашув – жабрланувчининг кечиришигина эмас, балки унинг ўз дастлабки талаб ва даъволаридан воз кечишини англатади. У жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш талабидан воз кечиш (агар ярашув жиноят иши қўзғатилишидан аввал юз берган бўлса) ёки унинг аризасига кўра қўзғатилган жиноят ишини тўхтатишини сўраб берилган аризадан иборат бўлади. Ярашув акти жиноий-процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ, баённома билан расмийлаштирилади⁴⁹. Жабрланувчи билан ярашув айбига иқрор бўлмасдан рўй бериши мумкин эмас. Шахс етказилган зарар ўрнини қоплаб, жабрланувчи шахс ўз даъволаридан воз кечиши хусусида битим тузишга интилар экан, демак, бу фақат айбини тан олиш орқали амалга ошиши мумкин.

Медиация жиноий-хуқуқий тўқнашув иштирокчилари ўртасида ярашувга эришиш учун, аввалимбор, **кичик ва ўрта оғирлиқдаги (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган) жиноятлар, шунингдек моддий зарар етказиш билан боғлиқ оғир жиноятлар бўйича йўл қўйилиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, медиация мулкка қарши жиноятлар, шунингдек, фуқароларнинг шахсий хуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган, аммо оғир характерга эга бўлмаган ҳолатларда энг самарали ҳисобланади.**

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, медиация жорий қилинган

⁴⁸Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. (Масъул мухаррир: Ф.Абдумажидов). –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 78.

⁴⁹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Ярашув ишлари юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ти қарори, 2002 й. 25 октябрь, № 27. –Б.11

тақдирда, уни муайян ҳолатда қўллаш учун қўйидаги мезонлар белгиланиши керак бўлади:

- 1) жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган тоифасига кириши кераклиги, айрим ҳолларда - оғир жиноятлар тоифаси (масалан, мулкий жиноятлар ёки жинсий эркинликка қарши жиноятлар);
- 2) жисмоний шахс жабрланувчи бўлиши керак;
- 3) томонлар медиация процедурасида иштирок этишга ўзларининг ихтиёрий равишда розилигини билдиришлари лозим.

Бунда медиация ғояси:

Биринчидан, жабрланувчи билан жиноий қилмишни содир этган шахс ўртасида унча кўп бўлмаган, процессуал харажатлари кам бўлган шароитда ва ахлоқ-одоб юзасидан улар ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этади.

Иккинчидан, мажбурлов бўлмаган чоралар билан уларни юмшатиб ижтимоий қарама-қаршиликларни ҳал қилишга имконият туғдиради.

Учинчидан, жабрланувчига етказилган заарлар билан боғлиқ компенсациялар бузилган ҳуқуқларини тиклашни кафолатлайди.

Тўртинчидан, жиноят иши юзасидан тортишаётган барча манфаатдор субъектлар ўртасидаги адолатли келишувни тасдиқлайди.

2. Медиацияга тегишли доирадаги ишлар ва ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари.

Медиацияга тегишли ишлари доирасини белгилаб олиш, унинг назарий асосларни яратиш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги қонунчиликка таклиф қилиш дастлабки вазифадир.

Жиноят процессида медиация тушунчасини ишлаб чиқишда, қайси тоифадаги ишлар, қайси қонунга хилоф ҳаракатлар медиация доирасида ҳал қилиниши лозимлигига аниқлик киритиб олиш лозим ҳисобланади. Медиация процедураси ноқонуний хатти-ҳаракатни содир этган шахс билан заар кўрган шахс ўртасида келишувга эришиш учун қўлланилиши мумкин. Аммо барча ҳолатларда ҳам эмас. Фикримизча, ишни медиацияга юбориш тўғрисида қарор қабул қилишда процесси олиб борувчи мансабдор шахсларнинг ҳаддан

ташқари ихтиёрига йўл қўймаслик учун аниқ мезонларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Биз томонимиздан таклиф қилинаётган медиация ишлари ярушув тартибидаги иш юритишдан фарқли равишда жиной низони ҳал қилиш ва унинг юзасидан қарор чиқариш жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ваколатидан чиқарилади. Бу эса ўз навбатида одил судловни хавф остига қолдириши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак. ЖКнинг 10-моддасида “Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи” баён қилинган бўлиб, унга кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартдир. Мазкур принципнинг процессуал кафолати бўлган “Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги” деб номланган ЖПК 15-моддасида “Прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт” дейилган. Медиация институтининг жорий қилиниши бу ҳолатларни бир оз истисно қиласи.

Бизнинг фикримизча, медиация процедураси ёрдамида ҳал қилиниши мумкин бўлган ишлар доирасини белгилашда баъзи омилларни ҳисобга олиш керак. Биринчидан, медиация жабрланувчи бўлмаган ҳолларда ёки жабрланувчи юридик шахс бўлган тақдирда қўлланилиши мумкин эмас. Бу томонларни яратиришга, шахслар ўртасидаги зиддиятли вазиятни ҳал қилишга қаратилган медиация процедурасининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ. Яъни, агар шикастланган шахс жисмоний шахс бўлмаса, воситачилик амалга оширилмайди. Иккинчидан, биз оғир ва ўта оғир ҳолатлар тоифасига кирувчи жиноий ишларда медиациядан фойдаланиш уларнинг алоҳида ижтимоий хавфлилиги сабабли йўл қўйилмайди, деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, одам ўлими шаклида ўта оғир оқибатларга олиб келадиган қилмишларга нисбатан медиацияни қўллаш мумкин эмас, чунки бу

холда зарарни мутаносиб равища қоплаш ҳақида гапириш жуда қийин. Шунингдек, медиация ҳаёт ва соғлиққа қарши зўравонлик жиноятларига нисбатан қўлланилиши ҳам тўғри бўлмайди. Бундан ташқари, медиация процедураси жамоат учун хавфининг юқори даражаси билан тавсифланган жиноятлар учун (биринчи навбатда, оғир жиноятлар) нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Назарий манбалар ва хорижий давлатлар қонунчиликларини таҳлил қилган ҳолда шунингдек, медиацияга хос олдинги билдирилган фикрлар ҳамда диссертациямиз концепциясини инобатга олган ҳолда медиацияга тушадиган жиноят ишларини қўйидаги мезонлар асосида аниқлаштиришни жоиз деб билдиқ. Булар:

1. Жиноий қилмишнинг хусусияти.
2. Жиноятни содир этган шахсни ва жабрланувчини тавсифловчи ҳолатлар.
3. Жиноятни содир этган шахс ва жабрланувчининг медиацияни қўллашга хоҳиши.
4. Жиноят содир этган шахс ва жабрланувчининг бир ижтимоий гурӯхга мансублиги.

Қўйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

1. *Жиноий қилмишнинг хусусияти.* Ярашувга ёки медиацияга тегишли ишлар борасида билдирилган кескин фикрларни таҳлил қиладиган бўлсак, баъзи олимларнинг фикрига кўра, айrim оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича медиация институти нормаларини қўллашни йўлга қўйиш лозим. Айrim олимларнинг фикрича, мазкур ҳолат жинсий жиноятларни содир қилиш миллий урф-одатлар билан боғлиқ ҳолатда содир қилинганда яхши самара беради⁵⁰. Шунингдек, баъзи бир адабиётларда жиноий қилмишни содир этган шахс билан бир гурӯх аъзоси бўлган жумладан, оила аъзолари, дўстлари, меҳрибон қўшнилари, бирга ишлайдиган яқинлари, синфдош жўралари каби

⁵⁰ Аликперов Х.Д. Преступность и компромисс. – Баку. 1992. - С.173-175

зўрлик билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар оқибатида еткизилган заарнинг миқдоридан қатъи назар имконият шартларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ижтимоий гуруҳларни сақлаб қолишга хизмат қиласди ва бунга зарурат бўлганлиги учун керак. Жиноятда икки қарама-қарши томоннинг (бир томондан айборнинг қариндошлари ва яқинлари, бошқа томондан жабрланувчининг қариндошлари ва яқинлари) келажакда тинч яшашлари учун ярашувнинг зарурияти туғилади⁵¹.

Жиноят ишини юритиш вазифасини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан олиб, нопроцессуал ташкилий тузулмаларга беришда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси паст даражада бўлиши керак. Чунки ижтимоий хавфи катта бўлган жиноятларни нопрофессионал ёки ҳуқуқни қўллаш тажрибасига эга бўлмаган шахсларга топшириб бўлмайди. Амалдаги жиноят қонунчилигига кўра, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади (15-модда). Булардан ижтимоий катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятларни медиация қоидаларига кўра, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг юрисдикциясидан чиқариб, медиацияни амалга ошириши мумкин бўлгани ижтимоий тузулмаларга топшириш мумкин.

ЖПК 84-модда бешинчи қисм З-бандида “содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса” жиноят иши шахснинг (аникроғи гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг) розилиги билан тугатилади, деган қоида ёзилган. Бу ерда кузатиш мумкинки, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия жиноят иши юзасидан ҳал қилув функциясини амалга оширади.

⁵¹Сверчков В.В. Освобождение от уголовной ответственности, прекращение уголовного дела (преследования), отказ в его возбуждении. Проблемы теории и практики. Санкт-Петербург Из-во Р.Асланова «Юридический центр Пресс», 2008. С. 217

Агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг ҳаммаси юзасидан медиация қоидаларини қўллаш мумкин, деган қоидани илгари сурадиган бўлсак, бу ярашув институтини такрорлайди, унинг ҳаракат доирасини қамраб олади. Қолаверса, назарияда ЖК 66¹- моддасидаги ярашувга тушадиган жиноятлар доирасини белгилашда уларни бирма-бир санаш қоидасидан чекинган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг ҳаммаси ярашувга мослаштириш хусусида таклифлар ҳам ишлаб чиқилган⁵². Жиноят процессида медиацияни пухта ўрганган А.А. Арутюнян Россия Федерацияси ЖК 76-модасида белигиланган ярашув туфайли жавобгарликдан озод бўлишга асос бўладиган жиноятлар (яъни унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган) шахс томонидан биринчи маротаба содир этилган бўлса, медиация асосида тугатиш кераклиги таклиф қиласди⁵³. Бироқ “биринчи маротаба содир этилганлиги” тушунчасига етарлича эътибор қаратмаган. Иккинчи маротаба содир қилишда айнан бир жиноят тутилганлиги ёки унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар назарда тутилганлиги ёйинки умри давомида жиноят умуман жиноят содир этмаганлиги назарда тутилганлиги мавхумлича қолган.

С.М. Саҳаддинов вояга етмаганлар томонидан содир этилган ва унча оғир бўлманган (ЖК 15-мод. 1 қисми), жиноятдан келтирилган зарани бартараф этиш имконияти мавжуд бўлган жиноятлар бўйича қонунчиликка ярашув институтини қўллаш таклиф этилган⁵⁴. Бу қоидани ярашув институтини такомиллаштириш учун асосли ҳисоблаш мумкин. Бироқ нопрофессионал ташкилотларда жиноят ишини ҳал қилиш учун бу қоидадан фойдаланиб бўлмайди.

⁵²Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати Тошкент-2011, 49-бет.

⁵³Арутюнян А.А. Медиация в уголовном процессе. Автореф. дис.....канд. юрид. наук. – М.: МГУ, -2012. – с.30./dslib.ru

⁵⁴Саҳаддинов С.М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари. Ю.ф.н. дарадасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. -27-бет

Медиацияни қўллаш жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳам юз беришини ёқлаб, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни, ҳамда жиноят содир этган лекин жиноят процессининг бирон иштирокчиси мақомини олмаган шахсни ҳам қамраб олади.

Ҳозирда ярашувнинг иккинчи шарти – айбдор оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун муқаддам судланмаган бўлиши шарт. Медиацияда шахс бирор бир жиноят содир этганлик учун судланганлик ҳолатида бўлмаслиги керак.

3. Жиноятни содир этган шахс ва жабрланувчининг медиацияни қўллашига хоҳиии.

Медиация бу тарафларнинг ихтиёрий келишуви, деган қоида ҳаммага маълум. Бироқ шундай ҳолатлар борки, тарафлар хоҳишининг мавжудлиги мураккаблик касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ярашув ташаббуси ким томонидан қандай тарзда бошланиши ҳақида аниқ нормалар мавжуд эмас. Аммо Евropa Иттифоқи таркибидаги аксарият давлатларда ярашув жараёни билан боғлиқ муносабатларни, яъни жиноят содир этган шахс билан жабрланувчини муросага келтириш тартиб-таомиллари ҳақида алоҳида қонун қабул қилинган ва жабрланувчи ташаббус билан чиқиши белгиланган. Шу жиҳати билан медиация айбини бўйнига олиб арз қилиш асосида жавобгарликдан озод қилишдан фарқланса керак. Биз таклиф қилинаётган ёки шунга ўхшаш қоидалар асосида медиация жорий қилинадиган бўлса, албатта ярашиш ёки келишиш талаби биринчи галда жабрланувчи томон ташаббусига боғланиши керак.

Медиация учун жиноят ишини тугатиш жабрланувчининг айбдорни кечириши ва ўзининг талабидан воз кечиши ҳамdir. Медиация танлови ҳақида ташаббус жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакилидан чиқсанлиги муҳим аҳамиятга эга. Бунда асос жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганлиги (зарарни қоплаганлиги туфайли уни кечирганлиги) ҳақида расмий тартибда, яъни ариза билан мурожаат қилганлигидир.

Бу дегани медиация фақат жабрланувчининг ярашишга бўлган хоҳиши мавжудлигини англатмайди. Икки томон келишувига оид масала: жабрланувчи кечиради, айбланувчи эса айбини тан олиб, етказилган зарарни қоплайди (камайтиради).

А.Ирсалиев вояга етмаганлар иштирокида ярашувни қўллаш имкониятларини ошириб талқин қилиш мақсадида вояга етмаган жабрланувчининг ярашувга розилиги бўлиб, қонуний вакиллар норози бўлган ҳолларда ҳам аксинча вояга етмаган норози ёки унинг қонуний вакили ярашувни қўллаш юзасидан ариза берган ҳолларда ҳам ярашув қўлланилиши мумкинлиги хусусида таклифни илгари сурган⁵⁵. Буни ҳам қайсиadir жихатдан асосли деб топиш мумкин.

Ярашув – жабрланувчининг кечиришигина эмас, балки унинг ўз дастлабки талаб ва даъволаридан воз кечишини англатади. У жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш талабидан воз кечиш (агар ярашув жиноят иши қўзғатилишидан аввал юз берган бўлса) ёки унинг аризасига кўра қўзғатилган жиноят ишини тўхтатишни сўраб берилган аризадан иборат бўлади. Ярашув акти жиноий-процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ, баённома билан расмийлаштирилади⁵⁶. Жабрланувчи билан ярашув айбига икрор бўлмасдан рўй бериши мумкин эмас. Шахс етказилган зарап ўрнини қоплаб, жабрланувчи шахс ўз даъволаридан воз кечиши хусусида битим тузишга интилар экан, демак, бу фақат айбини тан олиш орқали амалга ошиши мумкин.

Медиация жиноий-ҳуқуқий тўқнашув иштирокчилари ўртасида ярашувга эришиш учун, авваламбор, **кичик ва ўрта оғирлиқдаги (ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган) жиноятлар, шунингдек моддий зарап етказиш билан боғлиқ оғир жиноятлар бўйича йўл қўйилиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики,**

⁵⁵Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. (Масъул мухаррир: Ф.Абдумажидов). –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 78.

⁵⁶Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Ярашув ишлари юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ти қарори, 2002 й. 25 октябрь, № 27. –Б.11

медиация мулкка қарши жиноятлар, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган, аммо оғир характерга эга бўлмаган ҳолатларда энг самарали ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, медиация жорий қилинган тақдирда, уни муайян ҳолатда қўллаш учун қўйидаги мезонлар белгиланиши керак бўлади:

- 1) жиноят ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган тоифасига кириши кераклиги, айrim ҳолларда - оғир жиноятлар тоифаси (масалан, мулкий жиноятлар ёки жинсий эркинликка қарши жиноятлар);
- 2) жисмоний шахс жабрланувчи бўлиши керак;
- 3) томонлар медиация процедурасида иштирок этишга ўзларининг ихтиёрий равишда розилигини билдиришлари лозим.

Бунда медиация ғояси:

Биринчидан, жабрланувчи билан жиноий қилмишни содир этган шахс ўртасида унча қўп бўлмаган, процессуал харажатлари кам бўлган шароитда ва ахлоқ-одоб юзасидан улар ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этади.

Иккинчидан, мажбурлов бўлмаган чоралар билан уларни юмшатиб ижтимоий қарама-қаршиликларни ҳал қилишга имконият туғдиради.

Учинчидан, жабрланувчига етказилган заарлар билан боғлиқ компенсациялар бузилган ҳуқуқларини тиклашни кафолатлайди.

Тўртинчидан, жиноят иши юзасидан тортишаётган барча манфаатдор субъектлар ўртасидаги адолатли келишувни тасдиқлайди.

III боб. Ўзбекистонда медиация институтини қўллаш истиқболлари.

1. Хорижий давлатларда медиация институти. АҚШ, Канада ва Европа давлатлари тажрибаси.

Даставвал, Канадада жиноят-ҳуқуқий можарони ҳал қилишда воситачилик процедурасидан фойдаланиш бўйича биринчи ҳолат қайд этилган. Бунинг сабаби, низоларни ҳал қилишнинг ўзига хос анъаналарига эга бўлган аборигенлар деб аталадиган одамлар Австралия, Янги Зеландия, Канада худудларида яшаганликлари билан боғлиқ. Махаллий аҳолининг урфодатлари, шунингдек айрим минтақаларда кенг тарқалган баъзи диний оқимлар Канадада қайта тикланадиган адолат концепциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Канадада одил судловига оид кўплаб тадқиқотларда реставрацион адолат ғоялари ва "маҳаллий адолат" деб номланган ғоялар ўртасида ўхшашик мавжуд⁵⁷.

Шу муносабат билан, биринчи навбатда, жиноий-ҳуқуқий низони ҳал қилиш учун медиатция институтидан фойдаланиш бўйича Канада тажрибасини ўрганиш қизиқиш уйғотади. Эътибор берсангиз, Канадада мамлакатнинг деярли барча худудларида босқичма-босқич медиатция жараёнларини татбиқ қилиш жараёнлари ишлаб чиқилган. Тадқиқотларига кўра қайта тикланадиган адолат тушунчаликни жиноятга қарши курашиб мумкин бўлган усулларидан бири сифатида айнан жиноий таъқибга алтернатива сифатида қаралади. Шунга қарамай, Канадада ишлатиладиган ресторатив технологияларнинг хилма-хиллиги шуни кўрсатадики, ушбу технологиялар ҳар доим ҳам, асосан, жиноий таъқибдан воз кечишга имкон бермайди. Қайта тикловчи технологияларни қўллайдиган бошқа давлатлардан Канаданинг асосий фарқи жиноий-ҳуқуқий низоларни яраштириш йўли билан ҳал қилишга

⁵⁷ Restorative Justice in Canada: a Consultation Paper. Prepared by the Department of Justice. May 2000 // <http://www.justice.gc.ca/eng/pi/pctv-cpcv/cons.html#Intro>.

имкон берадиган чора-тадбирлар ва механизмлар тизимининг мавжудлигидир⁵⁸.

Қоида тариқасида барча яраштириш процедуралари одамларнинг ихтиёрий иштироки зарурлигини, содир этилган қилмиш учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш кераклигини англатади. Улардан баъзилари қилмишдан зарар кўрган шахс иштирокида ўtkазилади, баъзиларида эса аксинча, иштирок этиш шарт эмас. Айлов олдидан яраштирув одамнинг айбига иқрор бўлишига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши мумкин. Баъзи дастурлар жазо тайинлангунга қадар, баъзилари жазо тайинлангандан кейин амалга ошиши мумкин.

Канадада медиатция минтақада 30 йилдан кўпроқ вақт олдин қўлланила бошланган ва шу кунгача ўз фаолиятини муваффақиятли давом эттироқда. Бироқ, Канадада федерал даражада жиноий тўқнашувларни ҳал қилиш учун медиатциядан фойдаланишни батафсил тартибга солувчи қоидалар мавжуд эмас. Бундай қоидалар алоҳида вилоятларнинг қонунчилигида мустаҳкамланган. Провинциялар маълум бир медиация моделини қўллаш масаласида жуда хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Бизнинг фикримизча, амалда жуда самарали бўлган ушбу чора, бошқа кўплаб ресторатив механизмлар сингари жиддий қонунчилик тартибга солинмасдан қўлланилади, деб таъкидлаш мумкин. Канадада адолатни тиклаш масалаларида маҳаллий ҳамжамият, эътиқод жамоалари ва кенг жамоатчилик муҳим рол ўйнайди. Жамият Канадада қайта тикланадиган адолат концепцияси ривожланишининг харакатлантирувчи кучидир.

Канадада медиация процедураси аниқ тартибга солинмаганлиги ва уни қўллаш мезонлари аниқ эмаслиги сабабли, Канада тажрибаси воситачиликнинг кенг қўлланилишини ва бошқа кўплаб суд-хуқуқ соҳалардаги тажрибани кўриш мумкин. Аммо, медиатция институтига алоҳида ёндашиш, уни нафақат жамоатчилик, балки давлат ҳокимияти органлари томонидан татбиқ қилиш ва унга қизиқиш уйғотиш Канадада яшовчи халқларнинг тарихий анъаналари ва қадриятларига боғлиқ⁵⁹.

Америка Кўшма Штатлари, жиноий низоларни ҳал қилишдамиатцияни қўллайдиган давлатлардан биридир. Кўшма Штатларда медиацияни қўллаш бўйича биринчи қайд этилган факт 1978 йилда Индиана штатининг Элкарт шаҳрида содир бўлган⁶⁰. Айнан шу пайтдан бошлаб

⁵⁸ Restorative Justice n Canada: What Victims Should Know. Prepared by the Canadian Resource Centre for Victims of Crime. Revise by March 2011 // <http://www.crcvc.ca/docs/restjust.pdf>

⁵⁹ Restorative Justice n Canada: What Victims Should Know. Prepared by the Canadian Resource Centre for Victims of Crime. Revise by March 2011 // <http://www.crcvc.ca/docs/restjust.pdf>

⁶⁰ Umbreit M., Coates R. Victim-Offender Mediation. A Review of Research in the United States // Davis G. Making Amends. Mediation and Reparation in Criminal Justice. Routledge, 2019. P. 191

жабрланувчи билан жиноятчи ўртасида ярашув дастурларини шакллантириш ва ишлаб чиқиши бошланди.

Кўшма Штатларда фаолият юритадиган дастурлар орасида жиноий жараённинг турли босқичларида ва томонлар учун турли хил ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган воситачиликни ўз ичига олган дастурлар мавжуд. Шу муносабат билан, биз медиациядан фойдаланишни АҚШ штатларидан бирининг қонунчилиги мисолида кўриб чиқиши энг мақбул деб биламиз. Шуни таъкидлаш керакки, медиация жиноий-ҳуқуқий низони ҳал қилиш усули сифатида Миннесота, Техас, Калифорния, Делавар, Индиана, Массачусетс ва бошқалар каби штатларда алоҳида ривожланган.⁶¹

Кўшма Штатлар штатлар учун ягона медиация қоида лойиҳаларини ишлаб чиқиши учун маҳсус орган томонидан тайёрланган "Бир хил медиатция тўғрисида"ги қонунни қабул қилди (*Миллий 2001 йилдаги ягона штат қонунлари комиссарлари конференцияси*). 2007 йилдан бошлаб ушбу қонун Колумбия округи, Иллинойс, Аёва, Небраска, Ню-Жерси, Огаё, Юта ва Вермонтда штатлари томонидан қабул қилинган. Қонун воситачиликнинг энг муҳим жиҳатларини тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олади. Ушбу Қонун қабул қилинганда, ҳар бир штат қонуннинг мазмунига ўзгартириш ва қўшимчаларини киритди, аммо умуман олганда медиацияни тартибга солишида ягона ёндашув сақланиб қолди. Мазкур қонун қонун медиация тушунчасини белгилайди, шунингдек бошқа муҳим тушунчаларга бошқа таърифларни беради, медиация процедурасининг маҳфийлиги ва гувоҳларнинг имтиёзлари ва бошқа ҳолатларни тартибга солади⁶².

Шимолий Америка қитъасида жиноят процессида медиация қўлланила бошланганига қарамай, биз Европа давлатлари билан жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун медиациядан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, сабаби уларнинг ҳуқуқ тизими ҳам роман-герман ҳуқуқ тизимига мансуб саналади. Мазкур ҳуқуқий тизим Ўзбекистон ҳуқуқий тизимига энг яқин тизимdir.

Австрия медиацияни қўллаш соҳасида энг илгарилиб кетган давлатлардан бири ҳисобланади. Австрияда жиноий можарони ҳал қилиш учун медиация дастлаб вояга этмаганларга қарши жиноятлар бўйича қўлланилган (прокурорнинг медиацияни қўллаш ҳуқуки вояга этмаганлар ишлари бўйича қонунда назарда тутилган) 1989) ва кейинчалик катталарга нисбатан жиноят-процессуал қонунчилигининг бир қисмига айланди (хусусан, 1999 йилда Австрияning Жиноят-процессуал кодексига ўз хоҳишига

⁶¹ Umbreit M. The Handbook on Victim Offender Mediation: an essential guide to practice and research. Jossey-Bass Inc., 2001. P. 215-216 /

⁶² The Criminal Code 1985 with the subsequent amendments as of August 15, 2011 // Published by the Minister of Justice <http://laws-lois.justice.gc.ca/PDF/C-46.pdf/>

кўра ўзгартириш киритилди)⁶³. Қизиги шундаки, Австрияда, шунингдек Германиянинг Баден-Вюртемберг штатларидан бирида, 2007 йилдан бери воситачилик дастурларининг муҳим қисми ихтисослашган Неустарт хусусий ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

Норвегияда эса медиация процедуралари асосан полиция ёки прокурорга юборилган жиноий ишларда олиб борилади. Бироқ бошқа ижтимоий хизматлар, мактаблар ёки манфаатдор томонлар процедурани мунитсипал хизматлар хизматидан талаб қилишлари мумкин. Агар келишувга эришилса, унда прокурор томонидан жиноят иши тўхтатилиши кафолатланади. Жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасида медиация процедуралари аксарият ҳолларда мулкка нисбатан майда жиноятлар ёки енгил зўравонлик хатти-харакатлари бўйича, қоида тарикасида, биринчи марта вояга етмаган ҳуқуқбузарлар томонидан амалга оширилади⁶⁴.

Буюк Британияда суд медиацияси барча тоифадаги ишларда қўлланилади. Шу билан бирга, жиноий ишнинг иккита муҳим масаласини кўриб чиқиш ўртасидаги вақтда – яъни айборлик ва жазо тайинлашгача бўлган даврда жиноятчининг шахси тўғрисида маълумот тўплаш учун етарлича муддат бор. Ушбу босқичда, синов хизмати жабрланувчи ва маҳкум ўртасида медиатор бўлиб, зарарни қоплаш зарурлигига ишонтиради. Медиация медиатив келишув имзоланиши билан якунланса, судя одатда жазо тайинлашда, уни енгиллаштиришда буни инобатга олади. Натижада иккала томон ҳам манфаатдор бўлади⁶⁵.

Юқорида келтириб ўтилган хорижий мамлакатларнинг медиация соҳасидаги бой тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигига медиация билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

3.2 Медиация жараёнини ташкил этиш: жиноят ишини ёки тергов олди материалларни медиацияга юбориш юзасидан процессуал харакатлар.

Биз медиация доирасига тааллуқли ишларни медиацияга юбориш ва уни кўриб чиқиш тартибини қўйидаги З босқичга бўлишимиз мумкин.

⁶³ The Criminal Procedure Act with subsequent amendments, the latest made by Act of 30 June 2006 № 53 // Неофициальный перевод на английский язык (одобрен Министерством юстиции Норвегии) // <http://www.ub.uio.no/cjur/ulovdata/lov-19810522-025-eng.pdf/>

⁶⁴ См., например: Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. - М.: Юристъ, 2015. С. 198199

⁶⁵ https://dspace.spbu.ru/bitstream/11701/12081/1/MaulitovaK_A.pdf 29 р.

Биринчи босқич, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан жиноий ишни медиация доирасига тушиш ёки тушмаслик доирасини аниклаш босқичи.

Медиацияга тушадиган ишлар юзасидан қарор қабул орқали уларни медиаторга топшириш жиноят ишини қўзғатиш босқичидан бошлаб, то суднинг барча инстанция босқичларида амалга оширилиши мумкин. Бу қоида медиация амалда бўлган кўплаб давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига хос. Қолаверса, бу борада қилинган илмий асарларда шундай таклифлар қилинган⁶⁶.

Таъқиб қилинаётган жиноят ёки жиноий қилмиш медиацияга тушиш–тушмаслигини иш ҳолатларидан келиб чиқиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳал қиласидилар⁶⁷.

Жиноятлар ёки жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни текшириш ишлари доирасида медиацияга тушадиган ишларни аникланган тақдирда жиноят содир қилган шахс сифатида кўрсатилган шахс ва жабрланган шахсга медиацияни қўллаш хусусида ариза бериш хуқуqlари борлигини, медиация тўғрисида ариза бергандан юз берадиган оқибатлар хусусида тушунтириши керак бўлади. Жабрланувчиларнинг ёки жиноят содир этган шахсларнинг сони бир нечта бўлган тақдирда уларнинг масаласини ҳал қилиш амалдаги ярушув тартибида ҳал қилинадиган ишлардаги қоидалар аналогиясидан фойдаланиш даркор.

Агарда медиацияга тушадиган ишлар бошқа жиноятлар билан бирга кўриладиган ҳолларда улар жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан кўрилади⁶⁸. Агарда медиацияга тушадиган иш жиноят ишини қўзғатишдан олдин аникланса, уни қўллаш юзасидан

⁶⁶Арутюнян А.А. Медиация в уголовном процессе. Автореф. дис.....канд. юрид. наук. – М.: МГУ, -2012. –с.30 //dslib.ru

⁶⁷Карнозова Л.М. Медиация как способ реагирования на деяния, запрещенные уголовным законом // Уголовно-процессуальное законодательство РФ 2001 – 2011 гг.: сб. научных статей / под ред. И.Б. Михайловской. М.: Проспект, 2012. С. 137-172.

⁶⁸Жошева А. А. Медиация как способ досудебного урегулирования споров// <http://www.sudkazybekby.kz/ru/mediatsiya-kak-sposob-dosudebnogo-uregulirovaniya-sporov.html>

тарафлардан ариза келиб тушадиган бўлса, суриштирувчи, терговчи ва прокурор жиноят ишини медиацияга юбориш муносабати билан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради⁶⁹. Медиацияни қўллаш зарурияти дастлабки тергов, айлов хulosаси билан келган жиноят ишини ўрганиш, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ва суд муҳокамаси босқичларида аниқланган тақдирда жиноят ишини кўриб чиқиши учун медиацияга топшириш тўғрисида қарор чиқаради

Жиноят ишини қўзғатиш рад қилинганида ёки жиноят иши тугатилганда суриштирув органи ва терговчининг мустақиллигига эътибор бериш керак.

Сабаби амалдаги жиноят процессуал қонунчиликда жиноят иши тугатилганда прокурордан розилик олиш тартиби мавжуддек, туюлади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимиз мазмунига кўра, жиноят ишини тугатиш терговчининг процессуал мустақиллиги доирасидаги ваколати ҳисобланади. Буни ЖПК 36-моддасидаги “Терговчи: жиноят ишини қўзғатишга ва тугатишга, киритишга ҳақлидир” ва 374-модда учинчи қисмидаги “Терговчи ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқаргач” деган жумлалардан хам англаб олса, бўлади. Бироқ хуқук нормаси билан танишувчиларни чалғитадиган бир ҳолат мавжуд. ЖПК 382-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторида “терговчининг ишни тугатишига розилик беради”, деган жумлалар жиноят ишини тугатишга прокурорнинг розилиги шартлигини маълум қиласи.

Бу қоидалар терговчи томонидан жиноят ишининг тугатилиши прокурорнинг баҳоси розилик бериш шаклида бўладими ёки йўқми, деган масалани ўйлаб кўришга мажбур қиласи. Терговчи прокурорнинг розилиги олган ҳолда айнан қайси ишларни тугатиши кераклиги қонунда очик қолдирилган⁷⁰. Амалиётда прокуратура ва ички ишлар органларида жиноят иши тугатилишидан олдин прокурор билан маслаҳатлашиш амалиёти

⁶⁹Карягина О.В. Перспективы медиации в российском уголовном процессе: зарубежный опыт примирительных процедур // Российская юстиция. 2011, № 6. С. 66.

⁷⁰Муродов Б. Дастлабки тергов: унда жинояч ишини тугатиш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2005. -№ 5-6. – 12 б.

шаклланган. Бундан ташқари, реабилитация асосларига кўра жиноят ишлари тугатилганда⁷¹ назорат қилувчи прокурор томонидан хулоса ёзилади, гарчанд процессуал қонунда белгиланган бўлса-да.

Бизнингча, жиноят ишини тугатишга прокурорнинг розилиги шарт эмас. Буни қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин: Биринчидан, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор исбот қилиш фаолияти билан боғлиқ. Исбот қилиш эса, ишни юритаётган терговчининг мустақил амалга оширадиган процессуал ҳаракатидир. Иккинчидан, жиноят ишини тугатиш учун прокурордан розилик олинади, деган қоидага риоя қилинганда асослар мавжуд бўлиб туриб, жиноят ишларини тугатиш учун ортиқча вақт сарфи юзага келади. Учинчидан жиноят ишини тугатишга асослар мавжуд бўлганида терговчи томонидан чиқарилган қарорга прокурорнинг розилик бермаслиги ва терговни давом эттиришга кўрсатма бериши мантиқсизлик ҳолатини вужудга келтиради. Юқоридагиларни инобатга олиб, қонундаги тушунарсиз ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида ЖПК 382-модда учинчи қисм ўн учинчи хат бошини “жиноят ишларини қўзгатади ёки уларни қўзгатишни рад этади, ишларни тугатади ёхуд юритилишини тўхтатади, айлов хуносасини тасдиқлайди, ишларни судга юборади” деб баён қилиш керак.

Иккинчи босқич, ишни медитор томонидан қабул қилиб олиш ва медиация жараёнларини ташкиллаштириш босқичи.

Бунда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят иши материалларини (тарафларнинг аризалари билан бирга) медиаторга юбораётганда бу ижтимоий тузилмаларнинг нопрофеционаллигини инобатга олиши керак. Шунинг учун қанча муддат ичиде жиноий низони ҳал қилишлари ва қабул қилинадиган қарорни жиноят иши (ёки тергов олди) материаллар билан прокурорга юборишлари хусусида тушунтиришлари шарт.

Тарафлар томонидан медиацияни қўллаш тўғрисида аризаларни кўриб чиқишида муайян муддатлар чекланиши табиий. Медитор жиноят иши

⁷¹Оқлов ҳукмлари чиқкан ҳолларда хам.

(ёки тергов олди) материалларни олиб бир ой муддат ичида кўриб чиқиб, тарафларнинг ярашганлиги, амалда зиённи қоплаганлиги ёки ундан чин кўнгилдан воз кечилганлиги, уларнинг низолари якунига етганлигини аниқлайди. Бўлган ҳолатлар хусусида қарорини қабул қиласди ва жиноят ишини қабул қилинган қарор билан прокурорга юборади. Агарда тарафларнинг низоси якунига етмаса ёки бошқа жиноятнинг содир этилганлиги аниқланса, бу хусусида қарор қабул қилишнинг имкони йўқлигини маълум қиласди ва жиноят иши материалларни жўнатади. Одатда бундай вазиятларда иш умумий тартибда ҳал қилинади.

Медиатор қарор қабул қилишда мустақил бўлади. Унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Лекин медиаторнинг фаолиятида профессонал билимлар талаб қилинадиган ҳоллардаги қийинчиликларни бартараф қилиш мақсадида унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд билан расмий (ёзма) мулоқотлар олиб боришига йўл қўйилиши керак. Бу хусусан, низолашаётган шахсларнинг ҳаракатларида бошқа жиноятлар юз берганлиги аниқланган ҳолларда, шунингдек, ариза берган шахс томонидан жиноят содир этишда айб мавжуд бўлган ҳолларда қўл келади.

Агар жиноят иши судда келиб тушган тақдирда медиация қарори хусусида суд хабардор қилинади.

Медиатор томонидан қабул қилинган преюдиционал характерга эга бўлади. Унинг бекор қилинишига эришмасдан айнан шу айлов бўйича шахсни қайта суд қилиш ёки жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Л.С.Заржицкая преюдицияни муқаддам қабул қилинган суд қарори, мақбул ва ишончли далиллар билан аниқланган ҳолатларни тан олиш сифатида таърифлайди ва унинг кўп қирралигини, мажбурийлигини, преюдиция барча ҳуқуқни қўлловчилар учун ягона мазмунга эга категория ҳисобланишини таъкидлайди⁷².

⁷²Заржицкая Л.С. Феномен преюдиции в уголовном процессе (постановка проблемы) // Вестник Московского университета МВД России. – 2012. - № 6. – С. 88-91., Заржицкая Л.С. Институт преюдиции в современном уголовном процессе России: актуальные проблемы теории и практики: Монография. – М.: Юрлитинформ, 2013. – С. 8.

Медиаторнинг қарори ноқонуний бўладиган ҳолларда унинг қарори маъмурӣ тартибда ёки суд тартибида бекор қилинганидан кейин тергов қайта тикланиши мумкин. Бу қоида медиаторлик фаолияти билан шуғулланувчилар фаолиятнинг кафолати, уларнинг қарорига бошқаларнинг ишончини ифодалайди.

Учинчи босқич, медиация келишувини устидан назоратни ташкил қилиш.

Масалани ёритишдан олдин категорияларнинг луғавий маъносига тўхталиб ўтиш фойдадан холи эмас. “Назорат” сўзи араб тилидаги яъни ўзбекча таржимаси “бошқариш”, “идора қилиш” маъноларини беради⁷³. Мазкур сўзнинг ўзагини “кўриш”, “нигоҳ ташлаш” маъноларини берадиган «назар»⁷⁴ сўзи ташкил қиласди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бирор жараённи кузатиш ва унга нисбатан таъсир кўрсатишни назорат, деб тушунса бўлади.

Назарияда назоратни амалга ошириш механизмида икки ҳолат асос бўлиб хизмат қиласди. Булар: 1) қонун билан белгиланган текшириш мажбурияти ва 2) муайян харакатлар устидан шикоят ёки мурожаат.

Ҳуқуқ илмида назоратнинг турли шакллари мавжуд. Жумладан, жиноят ишларини юритиш соҳасида назоратни амалга ошириш субъектига кўра прокурор назорати, суд назорати, идоравий назорат, жамоат назорати каби назоратнинг турлари ажратилиб кўрсатилади.

Келинг жамоатчилик назоратдан бошлайлик. Назарияда жиноят ишларини юритишда жамоатчилик назоратининг доираси яқдил фикр мавжуд эмас. Жамоатчилик иштироки тушунчаси ёки моҳиятини очиб бериш учун унинг белгилари, қандай намоён бўлиши хусусидаги илмий ёндашувларни таҳлил қилишга тўғри келади.

Ўзбек тилидаги чоп этилаётган янги юридик адабиётларда жамоатчилик иштироки жамоат айловчилари ва жамоат ҳимоячилари институтида кўпроқ

⁷³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. -11 б.

⁷⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. -9 б.

намоён бўлади, дейилади.⁷⁵ Аслида жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштироки жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари тарзида кўп ҳолларда намоён бўлсада, жамоатчилик бошқа турлари ва шакллари ҳам аксарият жиноят ишларида мавжуд бўлади.

Жумладан, жиноятларни ҳал қилишда жамоатчиликнинг ҳал қилув функциясини амалга оширишда иштирок юқори аҳамият касб этади.

Одил судловни амалга ошириш борасида жаҳон тажрибасида жамоатчилик иштирокининг шакллари турли хил. Улар ҳалқ маслаҳатчилари, қасам ичганлар суди, катта жюри кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жиноят ишлари бўйича низоларни ҳал қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш ҳалқларнинг ҳозирги ривожланиш даражасига тўла мос келади ва биринчи галда жамоатчилик назоратининг мавжудлигини таъминлайди⁷⁶. Медиацияни қўллашда жамоатчилик назоратини таъминлаш учун ҳам медиаторга қўйиладиган талаблардан бири унинг давлат хизматчиси бўлмаслиги тавсия қилинади⁷⁷.

Медиация устидан жамоатчиликнинг назорати унда кўриладиган жиноят ишининг омма олдида муҳокама қилинишини англатмайди. Уларнинг фаолиятида конфиденциаллик сақланиб қолинади.

Суд томонидан амалга ошириладиган назорат собиқ совет жиноят процесси фанининг мазмунидан чиқиб қолган эди. Чунки бу даврда, хусусан советлар даврининг иккинчи ярмида жиноят ишларини юритишда судлов фаолияти кичик ҳиссага тегишли эди. Жиноят ишларининг тутатилиши ҳоллари кўп ҳолларда ишни судга қадар юритиш босқичларида амалга ошириладиган эди. Қолаверса, ишни судга қадар юритишда шахс ҳуқуқларини чеклаши ва давлат сирларига дахл қилиши мумкин бўлган ҳаракатларни

⁷⁵Жиноят процесси: (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида) Ўзбекситон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. -Т.: 2007. 164-бет; Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г. З. Жиноят процесси иштирокчилари. -Т.: ТДЮИ, 2006. -40-бет.

⁷⁶Немитина М.В. Российский суд присяжных. -М.: БЕК, 1995. - Б.126.

⁷⁷Жошева А.А. Медиация как способ досудебного урегулирования споров// <http://www.sudkazybekby.kz/ru/mediatsiya-kak-sposob-dosudebnogo-uregulirovaniya-sporov.html>

ўтказишга прокурорнинг рухсати талаб қилинарди. Уларнинг назорати ҳам прокурорнинг ихтиёрида эди.

“Иттифоқдош” республикалар мустақиллигидан кейин судларнинг жиноят процессида фаол иштирокини яратиш ва ҳал қилувчи қарорларнинг судлар томонидан қабул қилинишига асос бўлувчи суд назорати хусусида гапирила бошланди. Фаолият тури сифатида суд назорати судларга тегишли эканлиги борасида яқдил баён қилиш мумкин. Жумладан, олима З.Ф.Иноғомжонова суд назоратига “...жиноят процессининг деярли барча босқичларида амалда бўладиган, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликлари муҳофаза қилишга қаратилган, қарорлар, харакат ва ҳаракатсизлик ҳамда дастлабки тергов ва суд қарорларининг (кучга кирган кирмаганлигидан қатъи назар) қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини кафолатлашга хизмат қиласидан ғарбий сифатида эътироф этилгандагина унинг ҳуқуқий табиати ойдинлашади” деб таъриф берган⁷⁸. Бундан ташқари, олима суд назорати тушунчасини тизим ва функция сифатида мавжуд бўлишини ҳам таъкидлайдилар⁷⁹.

Медиатор томонидан қабул қилинадиган қарорларни текшириш тергов органлари ёки судлар зиммасига тўғридан-тўғри юклаб қўйилиши мумкин эмас. Мисол учун, суд бетараф иштирокчи, дастлабки тергов, дастлабки терговда низони ҳал қилган шахснинг фаолиятига ўзича аралашиши унинг ҳуқуқий табиатига мутлақо зид. Лекин унга ҳуқуқлар бузилганлиги тўғрисида мурожаат ёки шикоятлар қилинганида у дастлабки терговга, унинг хулосаларини, жумладан, медиация қарорларини олиб ўрганиб чиқишига ҳақли эмас. Бу суднинг табиатига тўғри келмайди.

Медиация устидан назоратнинг бир тури прокурор назоратидир. Прокурор назорати назарияси ва процессига оид юридик манбаларда⁸⁰

⁷⁸ Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2007. 13-б.

⁷⁹ Ўша асар 30-48-бетлар.

⁸⁰ Прокурорский надзор в Российскою Федерации: Учебник / Под ред. А.А. Чувилева. –М., 2000; Прокурорский надзор. Курс лекций и практикум. Под ред. Ю.Е. Винокурова. – М.. 2000; Басков В.И. Прокурорский надзор: Учебник для вузов. Изд. 2-е. –М., 1996.

прокурор назорати давлат органлари фаолиятининг тури сифатида қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга: 1) давлат номидан амалга оширилади; 2) қонун устуворлиги, қонунийликнинг мустаҳкамлиги, фуқаро, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини қўриқлаш мақсади бўлади; 3) прокуратура органларининг ягона тизими томонидан амалга оширилади.

Прокурорнинг дастлабки терговда терговчининг процессуал фаолияти устидан назорати эса, қуйидаги хусусиятларга эга: 1) прокурор терговчининг ноқонуний ва асоссиз деб топган қарорига протест келтирмайди, бекор қилади; 2) прокурор далилларга баҳо бериш ва жиноят иши бўйича асосий процессуал қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ масалаларда кенг имкониятлар доирасида процессуал мустақилликка эга бўлган терговчига нисбатан назоратни амалга оширади; 3) назорат давлатнинг ажралмас қисмидир.

Медиация тарафларнинг розилиги асосида қарор қабул қилади. Уларнинг медиатор фаолиятидан қаноат ҳосил қилмаганлиги прокурорга ёки судга шикоят қилиш тартибини қонун билан жорий қилишни мақсадга мувофиқ. Бу бир вақтнинг ўзида халқаро ва конституциявий қоидалар билан ҳам асослаш мумкин*.

* Инсон хукуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида "ҳар бир шахс унга конституцияси ёхуд қонун билан берилган асосий хукуклари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан бу хукукларнинг самарали тикланишига ҳақли" деган коида битилган. Конституциямизнинг 19-моддасида "Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хукуқ ва эркинликлари даҳлсиздир, улардан суд карорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас" ва 44-моддасида "Ҳар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш хукуки кафолатланади" дейилган.

Хулоса

Ушбу тадқиқот доирасида жиноят процессида медиация процедураси билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Диссертация тадқиқотининг асосий мақсади Ўзбекистон жиноят процессида жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун медиация воситаларини қўллашнинг потенциал имкониятларини аниклаш, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жиноят процессуал ҳуқуқида медиация тушунчасини яратишдан иборат бўлди.

Ушбу мақсадларга эришиш учун тадқиқотчи Ўзбекистон учун ҳам, кўплаб хорижий мамлакатлар учун ҳам жиноий жараённи ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини аниқлади, низоларни муқобил равища ҳал қилиш усули сифатида медиация тартибини ўрганиб, Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунчилигига медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш имконияти, хорижий давлатлардаги жиноят-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш учун медиациядан фойдаланиш қонунчилиги ва амалиёти таҳлил қилинди.

Жиноят процессида медиация масалаларини ўрганиш жараёнида тадқиқот иши доирасида қўйидаги назарий, амалий-ташкилий

ва қонунчилликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсия ва хулосалар берилади.

I. Илмий назарий хулосалар.

1. Назарий қараашларни илмий таҳлил қилиш орқали қўйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

- *Ярашув институти* - жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасига кўра, жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбордорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш.

- *Медиация* - холис учинчи томон низолашаётган томонларга мажарони ихтисослашган алоқа ва музокаралар усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишда ёрдам берадиган тизимли, интерактив жараёндир.

- *Медиатор* - ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ва жабрланувчи ўртасидаги жиноий-хуқуқий низони ҳал қилишда иштирок этадиган холис учинчи шахс сифатида белгилашни таклиф қиласди. Медиатор томонларни яраштириш ва ноқонуний хатти-харакат туфайли етказилган зарарни қоплаш масалаларида, шунингдек жиноятни ҳал қилишда юзага келиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича ихтиёрий равишда келишувга эришишига кўмаклашувчи шахс сифатида қарайди

2. Медиация институтини Ўзбекистонда вужудга келиш ва ривожланиш тарихи шартли равишда уч босқичга ажратади.

Биринчи босқич - Ўзбекистон ҳудудида VII асрдан XX асрнинг 20 – йилларигача бўлган даврни ўз ичига олса, **иккинчи босқич** - 1920 йилдан 1990 йилгача бўлган 70 йиллик даврни ўз ичига олади. **Учинчи босқич эса** 1991 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида медиация тарихи мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари билан боғлиқ.

3. Ярашув ва медиацияни институти бир бири билан қиёслаганимизда улар қуйидагича фарқланиши мумкин.

Биринчидан, ярашув институти ва медиация қўлланиш субъекти

доирасида фарқланади. Ярашувни фақат суд қўллаши мумкин. Медиация институтини медиация доирасига таалуқли ишни тергов қилувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган прокурор назорати остида амалга ошириши мумкин.

Иккинчидан, жабрланувчи ва айбланувчини келишувга эришишида иккала томонга ҳам боғлик бўлмаган учинчи шахснинг иштирок этиш ёки иштирок этмаслигига кўра фарқланади. Ярашув жараёнида жабрланувчи ва айбланувчини ярашувга эришишида мустақил учинчи томон аралашмайди. Бунда томонлар ўзаро келишувга эришади. Бу вазифани ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ёки суд амалга оширади. Бу эса томонларнинг ярашишига маълум даражада тўсиқ бўлиши мумкин. Медиацияда эса икки томоннинг ярашуvida мустақил учинчи шахс, медиатор, томонларнинг ярашувга эришишига кўмаклашади.

Учинчидан, суднинг юқори инстанцияларида қўлланиш доирасига кўра фарқланади. Яъни, жиноят-процессуал кодексининг 583-моддасига асосан ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкинлиги белгиланган. Медиация жараёнида эса, бундай қатъий норма мавжуд эмас. Айнан мазкур чекловнинг ўрнатилиши томонларнинг апелляция инстанция босқичида ярашувга эришишига тўсиқ бўлиб қолмоқда. Медиация жараёни эса суднинг барча инстанция жараёни давомида қўлланиши мумкин.

Тўртинчидан, Жиноят - процессуал кодексининг 583-моддасига кўра аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳукукини йўқотишини тушунтириши шартлиги белгиланган. Яъни жабрланувчи келишувга эришгандан сўнг мазкур ишни қайта тиклашни сўраб мурожаат қила олмайди. Медиация жараёнида келишувга эришган томонлар имзоланган медиатив келишув ижро қилиниши лозим бўлган хужжатлар

қаторига тенглаштирилади ва айбдор томон келишувни бажармаган тақдирда медиатив келишув мажбурий ижро этилиши шарт ҳисобланади.

4. Медиация пайдо бўлиши ва уни хуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида амалга оширишнинг турли хил шарт-шароитлари туфайли тадқиқотчи медиациянинг иккита моделини аниқлади:

а) Англ-саксон модели, бунда медиация жиноий-хуқуқий низони ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида қаралади ва шунинг учун аниқ қонунчилик регламентида белгиланмайди. Ушбу модель вакиллари Буюк Британия, АҚШ, Канада, Янги Зеландия ва бошқаларни ўз ичига олади.

б) Континентал модель. Бунда медиация қоида тариқасида, қонунчиликда мустаҳкамланган бўлади ва жиноий низоларни ҳал қилишни альтернативаларидан бирини ўзида мужассам этган процессуал муассаса ҳисобланади Ушбу давлатлар гуруҳига Франция, Германия, Португалия, Австрия, Норвегия ва бошқалар киради.

II. Миллий қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича таклифлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини судгача ва суд босқичларида медиациядан фойдаланишга имкон берадиган қоидалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир. Судгача бўлган босқичдаги медиация жабрланувчи билан айбдорнинг ярашиш муносабати билан жиноят ишини тугатиш учун асос бўлиши мумкин.

2. Ваколатли органлар ва мансабдор шахсларга жиноий иш қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдин жиноий-хуқуқий низо томонлари муросага келишганида, жиноий иш қўзғатишни рад этиш хуқуқини бериш орқали медиация кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Аввало, бундай чора вояга этмаганлар ўртасидаги жиноятлар доирасида қўлланилиши лозим.

3. Ишни медиация процедурасига юбориш жараёнини қонун билан тартибга солиши ва медиациядан фойдаланишнинг хуқуқий оқибатларини, томонлар муросага келишган тақдирда ҳам, келишувга эришилмаган тақдирда ҳам белгилаши керак.

4. Ўзбекистон жиноят процессида медиация процедурасини жорий қилишда ҳар бир аниқ ҳолатда уни қўллаш имкониятларини аниқлаш керак.

Биринчидан, медиация ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни қамраб олиши, айрим ҳолларда (мулкка қарши жиноятлар, шунингдек, оғирлаштирувчи ҳолатларсиз зўрлаш ёки жинсий тажовуз) оғир жиноятлар тоифасини ҳам қамраб олиши.

Иккинчидан, медиация жисмоний шахс жабрланувчи бўлгандагина қўлланиши.

Учинчидан, томонлар медиация процедурасида иштирок этишга ўзларининг ихтиёрий розиликларини билдиришлари лозимлиги.

5. Медиация процедурасини Ўзбекистон жиноят процессига киритиш учун кадрлар ва моддий ресурсларга эга бўлган, алоҳида ҳудудларда ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларида амалиётiga босқичма-босқич жорий этишни назарда тутадиган дастурни ишлаб чиқиш зарур.

6. Дастребки босқичда вояга етмаган жиноятчилар билан боғлиқ бўлган жиноий низоларни ҳал қилиш учун воситачиликдан фойдаланиш таклиф қилинади. Кейинчалик, ушбу амалиёт катталар томонидан содир этилган жиноятлар учун ҳам қўлланилиши мумкин.

7. Биз аввалига медиация жараёнини жиноят иши қўзғатилгандан кейин қўлланилиши мумкинлигини илгари сурэмиз, кейинчалик медиацияни жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам қўлланилиши мумкин.

8. Медиация процедурасини Ўзбекистон жиноят процессуал қонунчилигига киритишда халқаро стандартлар ва воситачилик процедуралари инобатга олиниши керақ, улар орасида бошқалар қаторида қуидагилар ҳам қайд этилиши мумкин: 1) медиациядан фойдаланишга фақат томонларнинг ихтиёрий розилиги; 2) томонлар исталган вақтда медиация процедурасида қатнашишдан бош тортиши мумкинлиги; 3) медиация процедурасида иштирок этиш айни тан олиш деб ҳисобланиши мумкин эмаслиги; 4) медиация процедурасида иштирок этиш учун томонлар ишнинг асосий ҳолатлари билан келишишлари шартлиги; 5) медиация процедураси

натижасида эришилган келишувлар фақат оқилона шартларни ўз ичига олиши мумкин; 6) медиация жараёнида барча зарур ҳуқуқий кафолатлар берилиши кераклиги; 7) воситачилик процедураси махфийлиги.

9. ЖКнинг 66¹-моддаси иккинчи қисмида оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди, деб кўрсатилган. Фикримизча, қонундаги бу тақиқ бекор қилиниши лозим. ЖКнинг 72-моддаси тартибида шартли хукм қилинганлар, шунингдек, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми даврида ЖКнинг 66¹-моддаси таъсир доирасига тушувчи жиноятларни содир этган шахсларга ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинланмасдан, ишни ярашув ёки медиация билан тугатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

10. Амалдаги қонунчилигимизда ярашув институтини қўллаш имконияти ҳозирча фақат биринчи инстанция судига берилган. Уни қўллаш судларнинг апелляция, кассация босқичларида ҳам жорий этилмаган. Чунки амалиётда шундай ҳолатлар юзага келмоқдаки, биринчи инстанция судида ярашув институти таъсир доирасига тушувчи жиноят ишини кўриб, суд жабрланувчи ярашмаганлиги муносабати билан судланувчига нисбатан айлов ҳукми чиқаради. Аммо маълум муддат ўтгач, жабрланувчида судланувчи билан ярашиш истаги пайдо бўлган тақдирда ҳам суд ярашув институтини қўллай олмайди. Бундай ҳолатлар ярашувнинг имкониятларини маълум маънода чеклайди. Бундай вазиятда медиация институти орқали масалага ечим топиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

11. ЖКга янги 66²- моддаси киритилиши таклиф қилинади.

66²-модда медиатив келишувга эришганлиги муносабати билан , жиноий жавобгарликдан озод қилиш.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахс, жабрланувчи билан **медиатив келишувга эришганган тақдирда**, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

12. ЖПКнинг 84-моддаси бешинчи қисми З-бандини “содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга, медиацияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ

13. ЖПКни қўйидаги номланиш ва матнданаги 583¹-модда билан тўлдириш таклиф килинди:

583¹-модда. Медиатив келишув муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Вояга етмаганларнинг ишлари юзасидан, жиноят тўғрисидаги ариза ёки хабарни кўриб чиқиш, суриштирув, дастлабки тергов ва суд мухокамаси жараёнида Жиноят кодексининг 15-моддаси иккинчи қисмida назарда тутилган жиноятлар биринчи маротаба содир қилинганлиги аниқланса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд тарафлар медиацияни ташкил қилиш мумкинлиги ҳақида тушунтиради. Тарафлар томонидан медиацияга берилган ҳолларда, иш медиацияга кўриб чиқиш учун юборилади.

Медиатор шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қиласдан, тарафларнинг ярашганлиги, зиённинг бартараф этилганлиги, ҳимоя томонининг амалда пушаймон бўлганлиги ва узр сўраганлиги шунингдек, жабрланувчи томонининг кечирганлигини мухокама қиласди.

Медиатор тарафларнинг келишув тўғрисидаги аризалари билан келиб тушган жиноят иши ёки тергов олди материалларини у келиб тушган вақтдан эътиборан 31 суткадан кечиктирмасдан, бироқ оқилона муддат ичидан мухокама қиласди.

Медиатор ҳолат юзасидан ўз қарорини у қабул қилинган пайтдан бошлаб 3 суткадан кечиктирмасдан, иш материалларини тергов органлари томонидан келиб тушган ҳолларда прокурорга, суддан келиб тушган ҳолларда судга тақдим қиласди”.

14. ЖПК 372-моддасининг мазмунини қўйидаги мазмунда **баён қилиниши** “Дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор

чиқариш, айблов хulosаси тузиш, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки тарафларнинг ярашуви учун судга ёки **медиацияга** юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади”. мақсадга мувофиқ.

15. “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг З-моддаси қуидаги тартибда баён қилиниши мақсадга мувофик

З-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек якка меҳнат низоларига, оилавий **ва қонунда белгиланган тартибда жиноий** ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади

Кўринадики, ушбу тадқиқот давомида олинган маълумотлар назарий ва амалий аҳамиятга эга. Диссертация тадқиқотида амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тўплами ишлаб чиқилган бўлиб, улар тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси ва чет эл қонунчилигининг илмий тадқиқотларида, шунингдек, таълим жараёнида, маъruzalар ва маҳсус курсларни ўқитишида фойдаланилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Расмий нашр. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2016, 383 б.

3. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил, 43-44-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. – Т.: "Адолат", 2016. – 525 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг 18.09.2012 й. ЎРҚ-335-сон "Судхукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон, 244-модда.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёеви ва И.А. Каримовнинг асарлари

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

8. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлик. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –280 б.
11. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –320 б.
12. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. –368 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –48 б.
14. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –48 б.
15. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. –174 б.
16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
17. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -280 б.
19. Каримов И.А. Жаҳон моливий иқтисодий инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т.18. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -264 б.

20. Каримов И.А. Мамлакатимида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

21. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

22. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -48 б.

23. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

24. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.

25. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир // Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. 2012 йил 8 декабрь, №239 (5659).

III. Асосий адабиётлар

26. М.Х. Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси жиоят ҳуқуки курси, V том, Махсус қисм, Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Тошкент – “Илм зиё” – 2011, Б.-215.

27. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. (Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор Ф. Абдумажидов). Т.: ТДЮИ, 2003.б-178.

28. Камалоджаев Д. Понятие и сущность примирительной форми разбирательства уголовно дел// Ж. Ҳуқук-Право-Law, 2001, №4.б.159.
29. Саҳадинов С.М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари: юрид. фан. номзоди..... диссертацияси// Т. 2005. ТДЮИ.
30. Одилқориев .Т., Тултиев И.Т. Жиноий-хуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар// Ж. Ҳуқук-право-Law, 2002, №1.-б.310.
31. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессида суд назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2007. б.130.
32. Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – б.233.
33. Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида шахс хуқуқларини чеклаш мезонлари. Монография / проф. F.A.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.: ТДЮИ, 2007.-б.210.
34. Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма / проф. F.A.Абдумажидов таҳрири остида.-Т.:, ТДЮИ, 2005.-1376.
35. Зер Ховард. Восстановительное правосудие: новый взгляд на преступление и наказание. Пер. с англ. языка / Общ. ред. Л.М.Карнозовой. Коммент. Л.М. Карнозовой и С.А.Пашиной. М.: МОО Центр «Судебно-правовая реформа», 2002.С. 400.
36. Головко Л.В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002.С. 332.
37. Пашин С.А. Концепция продолжения судебной реформы в России: Сб. научн. статей // Судебные реформы в странах СНГ. СПб., 2005. С. 348
38. Жошева А.А. Медиация как способ досудебного урегулирования споров М., 1996. С.292.
39. Комиссаров К. И. Судебное усмотрение в советском гражданском процессе // Советское государство и право. 1969. № 4. С.451.
40. Виктор П. Лазатин, "Филиппин" в разрешении споров в Азии,

3-е издание, Майкл Pryles ред., Kluwer Law International, 2006. С.245.с

41. Майкл Дж. Мозер, "Гонконг" в разрешении споров в Азии, Майкл Pryles ред. 3rd Edition (Kluwer Law International, 2006).

42. Вопленко Н. Н. Официальное толкование нормы права. М., 1976. С.225.

43. Ткачева С.Г. Конкретизация закона и его судебное толкование: Дис. ... канд. юрид. Наук. М., 1973. С.265.

44. Карагина О.В. Перспективы медиации в российском уголовном процессе: зарубежный опыт примирительных процедур // Российская юстиция. 2011, № 6. С. 136.

45. Черданцев А.Ф. Толкование права // Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах. Т.2. Теория права / Под. ред. М.Н.Марченко. М., 1998. С.337.

46. Алексеев С.С. Право: опыт комплексного исследования. М., 1999. С.239.

47. Здравомыслов А. Г. Социология конфликта. М.: Аспект Пресс, 2004, с. 234.

48. Леонов Н.И. Конфликты и конфликтное поведение. - СПб.: Питер, 2005, С. 84.

49. Мастенбрюк У. Управление конфликтными ситуациями и развитие организации. - М.: ИНФРА-М, 2006, С.216.

50. Светлов В.А. Конфликт: модели, решения, менеджмент. - СПб.: Питер, 2005, С.123.

51. Гришина Н.В. Психология конфликта. - СПб.: Питер, 2005, С.234.

52. Светлов В.А. Конфликт: модели, решения, менеджмент. - СПб.: Питер, 2005, С. 104.

53. Светлов В.А. Конфликт: модели, решения, менеджмент. - СПб.: Питер, 2005, С. 98.

54. Lippman M., Mc. Conville and Jerushalmi M. Islamic criminal law and procedure: An Introduction. N.Y. : Greenwood press, 1988, XV.170p.

55. [American](#) Academy of Political and Social Science//Reform in Criminal Procedure by Hon Everett and P. Wheeler, p.189, New York City.
56. Naude et al “restorative justice: a global overview of its functioning and effectiveness” (2003) 16(5) Acta criminological at . p.180.
57. Alternative dispute resolution or Restorative justice, The Thai Experience p.234., by Dr. Kittipong Kittayarak, new York City, 2003
58. Reform in criminal Procedure by Everett P.Wheeler, Source: Columbia Law Review, Vol.4, No.5 (May, 1984), p. 363, published by Columnia Law Review Association, Inc.
59. Restorative justice through mediation: What we are learning from research. Mark S. Umbreit, Ph.D., Robert B. Coates, Ph.D., Betty Vos, Ph.D., Center for Restorative justice and Peacemaking, School of Social Work, University of Minnesota, p.348.
60. Criminal Justice social network development centre for Scotland, Briefing paper 4, April 2002, *Crime and Restorative Justice*, Bill Whyte, p.128.
61. University of Pretoria, The role of the Victim in the Criminal Justice System: A Specific Focus on Victim-Offender Mediation and victim Impact Statements by Kate Lynn De Klerk, 2012, p.345.
62. An Analysis of Reconciliatory Mediation in Northern Albania: The Role of Customary Mediators. Ayse Betul, p.136.
63. Tony F. Marshall, *Results of Research from British Experiments in Restorative Justice*, in CRIMINAL JUSTICE, RESTITUTION, AND RECONCILIATION, (Burt Galaway & Joe Hudson eds., 1990). p.176.

IV. Құшимча адабиётлар

64. Зер Ховард. Восстановительное правосудие: новый взгляд на преступление и наказание. Пер. с англ. языка / Общ. ред. Л.М.Карнозовой. Коммент. Л.М. Карнозовой и С.А.Пашиной. М.: МОО Центр «Судебно-правовая реформа», 2002. Зер Ховард. Восстановительное

правосудие: новый взгляд на преступление и наказание. Пер. с англ. языка / Общ. ред. Л.М.Карнозовой. Коммент. Л.М. Карнозовой и С.А. С.233.

65. Зер Ховард. Восстановительное правосудие: новый взгляд на преступление и наказание. Пер. с англ. языка / Общ. ред. Л.М. Карнозовой. Коммент. С.213.

66. Ирсалиев А. Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш. (Масъул муҳаррир: F.Абдумажидов). –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 78.

67. Арутюнян А.А. Медиация в уголовном процессе. Автореф. Дисс.канд. юрид. наук. – М.: МГУ, -2012. –с.30.//dslib.ru

68. Лесниевски-Костарева Т.А. Дифференциация уголовной ответственности. Теория и законодательная практика. 2-е изд., пересоч. и доп. – М.: Издательство НОРМА. 2000. С.250.

69. Крылова Н.Е. Серебренникова А.В. Уголовное право современных зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии): Учебное пособие. – М.: Зерцало, 1997. С.277.

70. Преступление и наказание в Англии, США, Франции, ФРГ, Японии. Общая часть / Отв. ред. Н.Ф. Кузнецова. – М., Юрид. лит., 1991. С.118. Автор главы Н.А. Голованова.

71. Аликперов Х.Д., Зейнабов М.А. Компромисс в борьбе с преступностью. М., 1999. С.51 и след.. С. 198.

72. Уголовно-процессуальный кодекс Франции. / Науч. Редактирование канд. юрид. наук, доц. Л. В. Голова, канд. юрид. наук, доц. Н. Е. Крыловой; перевод с французского и предисловие канд. юрид. наук, доц. Н. Е. Крыловой. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2002. – 650-с.

73. Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики / под. ред. докт. юрид. наук, проф. А. И. Корбоева, пер. с китайского Д. В. Вичикова. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – 303-с.

74. Уголовно-процессуальный кодекс Латвийской Республики / науч.ред.и вступ.статья канд. юрид. наук, А. И. Лукашова и канд. Юрид. наук

Э. А. Саркисовой. пер. с латышского канд. юрид. наук А. И. Лукашова. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – 313-с.

75. Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германии/ науч.ред. и вступ.статья доктор юрид. наук, профессора Д. А. Шестакова; предисловие доктора права Г.-Г. Йешека; перевод с немецкого Н. С. Рачковой. – СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2003. – 524-с.

76. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддаси.

77. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. -11 б.

78. Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати Тошкент-2011, 49-бет.

79. Сахаддинов С.М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари. Ю.ф.н. дарадасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. -27-бет

80. The Model Standards of Conduct for Mediators, 1994-American Bar Association's Section of Dispute Resolution, Act 24/56, 1994

81. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Масъул мухаррир Н.Тўйчиев.-Т.: Адолат, 2009.Б-548

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

82. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Ярашув ишлари юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги қарори, 2002 й. 25 октябрь.

83. Пель, Махтельд. Приглашение к медиации. Практическое руководство о том, как эффективно предложить разрешение конфликта посредством медиации. – М.: Межрегиональный центр управлеченческого и политического консультирования, 2009.С.126.

84. Шамликашвили Цисана. Медиация как метод внесудебного разрешения споров. – М.: Межрегиональный центр управленческого и политического консультирования, 2006. С.231

85. “Суд амалиётига медиация институтининг жорий этилиши: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзуида халқаро конференция материаллари Т. 27.05.2010.б.15

86. Нарбулаев Е.Х. Развитие процессуальной науки в условия либерализации уголовной политики// Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: республика илмий-назарий конференцияси материаллари (2002 йил 14 ноябр). –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2003.б.210 б.30.

87. Никифорова Е.Н. Диспозитивное начало в уголовном процессе Республики Узбекистан// Ж. Ҳукуқ-Право-Law, 2002, №1.-б.65.; Никифорова Е.Н. Роль адвоката в производстве по делам о примирении. // Ж. Адвокат. 2002. №1.-б.39-40.

88. Заржицкая Л.С. Феномен преюдиции в уголовном процессе (постановка проблемы) // Вестник Московского университета МВД России. – 2012. - № 6. – С. 88-91

89. Бўритош Мустафоев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси. «Хал сўзи» газетаси №226 19-ноябр 2013 йил.

90. Бердиев Шоназар Б. “Ярашув институти - унга оид қонун нормаларини қўллаш муаммолари“// Huquq va burch, 2012, №5. Веб манзил: www.huquqburch.uz (2013 йил 15 ноябрь ҳолатига)

91. ***Victim Offender Mediation in Cases of Domestic Violence***, Workshop 17 of the European Forum for Victim Offender Mediation and Restorative Justice Proceedings from conference “Restorative Justice in Europe: Where are we heading?” Budapest, Hungary, p.14-16. October 2004.

92. Таджибаева А.Ю. Жиноят процессининг конституциявий принциплари. Рисолалар тўплами.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 27-б.

93. To Reform Criminal Procedure by Charles B. Faris, Source: Jounal of

the American Institute of Criminal Law and Criminology, Vol.6, No.4 (Nov, 1985), pp. 546-555, published by Northwestern University.

94. Карнозова Л.М. Медиация как способ реагирования на деяния, запрещенные уголовным законом // Уголовно-процессуальное законодательство РФ 2001 – 2011 гг.: сб. научных статей / под ред. И.Б. Михайловой. М.: Проспект, 2012. С. 137-172.

VI. Интернет сайтлари

95. <http://www.lex.uz> (Ўз.Р. қонун хужжатлари тўплами)
96. <http://www.gov.uz> (Ўз.Р. Ҳукумати портали)
97. <http://www.jstor.org>. (Ҳуқуқий журналлар тўплами)
98. <http://www.wikipidia.org> (Умумий энциклопедия)
99. Mediation.com (Мақолалар тўплами)
100. Mediate.com (Медиаторлар хизмати)
101. Gutenberg.org (Юридик кутубхона)